Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● № 226 (20. 493) ● 1989 йил 29 сентябрь, жума ● Баҳоси 3 тийин.

М. С. Горбачев Киевга келди

КИЕВ, 28 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев бугун Украина пойтахтига келди. У Украина Компартияси Марказий Комитетининг пленумида иштирок этади.

Аэропортда М. С. Горбачевни Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, УССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. С. Шевченко, УССР Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, республика ва шаҳарнинг бошқа партия ва совет раҳбарлари кутиб олдилар.

КОММУНИСТ ОБРЎСИ

У ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШДАГИ КОНКРЕТ АМАЛИЙ ИШЛАРДА ҚАРОР ТОПАДИ

Мамлакатимиз совет жамиятини ривожлантиришнинг партия ишлаб чиққан қайта қуриш сиёсатини амалга оширишнинг масъулиятли даврига қадам қўйди. Бошланган, авж олдирилаётган ва чуқурлаштирилаётган ўзгаришлар, шубҳасиз, натижа беради. «КПСС мамлакатдаги ўзгаришларга бошчилик қилиб, қайта қуриш йўлини қатъият билан ўтказаверади, — деб таъкидлади М. С. Горбачев яқинда Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқида. — Жамиятни қайта қуриш юзасидан белгиланган йўлдан четга чиқмай, масъулият, мулоҳаза билан иш тутишимиз лозим».

Партиянинг қайта қуриш йўлини сабот билан амалга ошириш эса бутун халқнинг, ҳар бир совет гражданининг, хусусан ҳар бир коммунистнинг фидокорлигига, астойдил меҳнатига, ташаббускорлиги ва жўшқинлигига боғлиқ. Зотан, КПСС XXVII съезди ҳам ҳар бир партия ташкилоти олдига партия аъзоларини талабчанлик билан танлаш ва коммунистларни сиёсий жангчилар, омма ташкилотчилари, партия бош йўли ва кўрсатмаларининг фаол тарғиботчилари ҳамда амалга оширувчилари қилиб тарбиялаш вазифасини қўйди. «Ўзаро талабчанлик, пухта ўйланган ғоявий-тарбиявий иш, партиянинг ички ҳаётини йўлга қўйиш билан партия аъзоларининг шахсий намуна кўрсатишларини таъминлаш керак», — деб уқтирилган эди съезднинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан Резолюциясида.

Партиявий бурчни чуқур ҳис этишни қадрлаш, сўз ва иш бирлиги ҳамма вақт чинакам коммунистнинг ҳаёти ва меҳнатини, ахлоқий позициясини, обрўсини кўрсатувчи белгилардир. Коммунист ҳар жиҳатдан — ишда ва хулқ-атворда ташаббускорлик ва мустақиллик кўрсатишга, одамларнинг қайта қуриш ҳақиқатига ишонтириш, революцион ўзгартишларга илҳомлантириш билангина чекланмай, ҳозирги босқичда партия қўйган вазифаларни бажариш учун қандай курашиш лозимлигини амалда кўрсатишга даъват этилгандир.

Ленин партияси аъзоси бўлишдек юксак номни қадрлаб, мамлакатимизни социал-иқтисодий ривожлантириш йўлида ижобий, баракали меҳнат қилиб, шахсий намуна кўрсатаётган коммунистлар республикамизда оз эмас. Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти салкам 700 коммунистни ўзига бирлаштирган. Улар орасида меҳнатда илғор, ҳаётда намуна, партиянинг обрўсини унинг аъзолари обрўси, деб биладиган коммунистлар кўп. Машина-ускуналар бўйича катта механик, фаол жамоатчи, меҳнатсевар ва дилкаш Сергей Хачатурович Аваков. Ҳаётининг 40 йилини шу корхона бағрида ўтказган калавачи Маҳбуба Абдуллаева, унинг ўғли, икки қизи ҳам шу ерда меҳнат қучоғида камол топиб, яхши ходим, чинакам коммунист бўлиб қолдилар. Яна Манзура Тўлаганхўжаева, Мавжуда Ашурова, Ираида Донскова ва бошқа коммунист меҳнатчиларни тилга олиш мумкин. Тахтакўпир районидаги «Жанадарё» совхози бош чўпони Искендир Алимбетов, Сирдарё областидаги Гулистон тикувчилик бирлашмаси тикувчи-мотористкаси Гулчеҳра Бекбўлатова, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири Александр Коршунов каби минглаб ишлаб чиқариш донгдорлари борки, улар ўз корхонасининг, партия ташкилотининг фахридир. Республикамиздаги 21 мингдан зиёд бошланғич партия ташкилотлари юқорида номлари зикр қилинган камтар, меҳнаткаш, партияга содиқ, қайта қуриш жонкуярлари бўлмиш коммунистлар ибрати асосида партия сафларини тўлдирадиган ёшларни тарбияламоқдалар. Бу кенг жамоатчилик кўз ўнгидаги энг ишончли, таъсирчан намунадир.

Бошқаларга ибрат бўлаётган коммунистлар хислат-фазилатларининг яхлит манзараси шуки, партия аъзолари сидқидилдан, унумли меҳнат қилар эканлар, дабдаба, шон-шуҳрат кетидан қувиш, алоҳида иззат-ҳурматга таъмагирлик қилиш уларга ётдир. Агар бирга ишлайдиган ўртоқлари ва коллективи баравар муваффақиятга эришмаса фақат ўзи қўлга киритган ютуғи коммунистга татимайди. Шунинг учун ҳам у ўз илғор тажрибасини қолоқлар билан ўртоқлашади, бракчини инсоф билан, виждонан ишлашга ундайди, хўжакўрсинчилик ва исрофгарчиликка ўт очади, кўзбўямачи, қўшиб ёзувчи, хушомадгўй, қўл учида ишловчиларни фош этади, маҳаллийчиликка, маҳкамачиликка чидай олмайди. Хуллас, партия аъзоси оғизда қайта қуришни ёқлаб, амалий ишда эски қолипни тарк этмаганлар билан муроса қилолмайди. Коммунист ўзи ишлаб турган жойдаги партия ташкилоти жанговарлиги, сиёсий-тарбиявий ишлар, соғлом маънавий-ахлоқий муҳит учун ҳам масъулдир. Шу боис у ҳаётимизни революцион янгилаш, покланиш жараёнига халақит берувчи социал иллатлар — ичкиликбозлик, инсоний ахлоқ нормалари ва социал адолат принципи бузилишига, миллатчиликка, танқидни бўғишга, шахсий манфаатнигина кўзлашга, кадрлар сиёсатида ленинча принциплар бузилишига, интизомсизликка ҳеч қачон бефарқ қаролмайди. Камтар ва виждонли, одамларга меҳрибон, эътиборли бўлиш, ҳақгўйлик ва ҳалоллик, партияни унинг сафларига номуносиб кишилар кириб қолишидан эҳтиёт қилиш, ҳамма ишда ошкораликнинг қарор топиши учун курашиш коммунистнинг ленинча фазилатларидир.

Аммо партия ички ҳаётида, унда демократия ва ошкораликни амалга оширишда кутилганидан кўра жуда сусткашлик билан барҳам топаётган нуқсонлар ва камчиликлар борки, улар коммунистнинг, бошланғич партия ташкилотининг, умуман партиянинг обрў-эътиборига путур етказмоқда. «Партия ташкилотларининг нуфузи пасайиб бораётганлиги, кишиларда партияга бўлган ишонч, ихлос, эътиқод сусайиб бораётганлиги кекса коммунист сифатида мени ғоят ташвишга солади, — деб ёзади Андижон область Ленинск шаҳридаги «Правда Востока» колхозидан партия ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Собиров. — 37 йилдан бери КПСС аъзосиман. Бир неча йил колхозда раис бўлиб ишлаганман, ҳозир пенсиядаман. Ҳар кунни одамлар орасида ўтказаман. Уларнинг дарди, ташвишидан, фикр-мулоҳазаларидан ҳамиша хабардорман, десам янглишмайман. Кейинги йилларда коммунистлар ўз мавқеларини бериб қўяётганликларини, ҳатто уларнинг айримлари ўз хоҳишлари билан партия сафидан чиқаришни сўраб ариза бераётганлиги ветеран сифатида мени қаттиқ ташвишга соляпти».

Ҳа, партия ветеранининг куйинганича бор — бугунги кунда бу аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Бунинг анчадан бери чуқур илдиз отган сабаблари бор. Биринчидан, КПСС сафига қабул қилишда юқоридан «разнарядка» беришдек баъзи жойларда ҳали ҳам давом этаётган ярамас услуб — ошна-оғайнигарчиликка, таниш-билишчиликка, партия сафига мансабпарастлик нафсини қондириш учунгина кириб олишга йўл очади. Бундай йўл билан партия билети олганлар партия ташкилотининг, коммунистнинг обрўсини ошириш, фаоллигини кучайтириш учун курашмайдилар, ўз шахсий манфаатлари, амал курсиси хусусидагина қайғурадилар. Мана, энди, партия социал-иқтисодий ҳаётнинг оғир муаммоларини ғоят қийинчилик билан ҳал этаётган, коммунистга нисбатан талаблар кучайиб, ҳар қачонгидан ҳам зўр фаоллик зарур бўлиб қолганда, уларнинг кўпи партия сафидан чиқиш пайига тушиб қолдилар. Улар «сунъий йўлдошлар»нинг худди ўзгинасидир.

Иккинчидан, шундай бошланғич партия ташкилотлари ҳам борки, уларда ишларни ташкил этиш, коммунистлардан аъзолик бадалларини қабул қилиш, белгиланган вақтда «штатли» нотиқлар кўмагида хом-хатала мажлис ўтказишдан нарига ўтмайди. Жонли ташкилий иш йўқлигидан тузилган планлар, мажлисларда коммунистлар билдирган қимматли фикр-мулоҳазалар, қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетаверади. Хўш, ижроси назорат қилинмайдиган бундай қарорлар қабул қилишнинг нима ҳожати бор! Корхона раҳбари ҳам, партия ташкилоти секретари ҳам иш талаб қилишади-ю, аммо социал масалалар, одамларнинг туриш-турмуши муаммоларини четда қолдирадилар. Ишни шу йўсинда олиб борувчилар партия ташкилотини одамларга нафи тегмайдиган, уларнинг ўй-фикрлари, турмуш ташвишлари билан яшамайдиган бир алфозга солиб қўймоқдалар. Яна шу нарса сир эмаски, юқори партия ташкилотларидан келадиган баъзи ходимлар энг аввало бошланғич партия ташкилоти секретарини йўқламай, унинг ишлари билан қизиқмай, корхона ёки хўжалик раҳбарини сўрайдилар ва асосан ўшалар билан ишни битириб кетаверадилар. Бунинг устига, партия комитетлари ходимлари кўпинча кабинетда ўралашиб, меҳнаткашлар орасига камдан-кам борадилар, уларнинг арзи-додига зийрак муносабатда бўлиб, вақти-соатида зарур чораларни кўрмайдилар. Сиёсий тарбиявий ишларда, лекция пропагандаси ва агитаторлар фаолиятида чинакам таъсирчанликка эришиш тўғрисида қайғуриш ўрнига, расмиятчилик — яъни ишларни қоғозда сип-силлиқ қилиб кўрсатиш ҳали ҳам учраб туради.

Партиявий ишдаги ана шундай бепарволик, лоқайдлик, ишга ижодий ёндашмаслик оқибати бўлган бошқа камчилик ва нуқсонлар юқорида номи тилга олинган партия ветеранини ташвишлантираётган кўнгилсизликларни келтириб чиқармоқда.

Партия, сафларини мустаҳкамлаш, унинг ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қайта қуришдаги роли ва обрўсини ошириш зарур. Бошланғич партия ташкилоти секретари, шу ташкилотда ҳисобда турувчи ҳар бир коммунист ана шу ҳақиқатни доимо ёдда тутишлари керак. Бу ўринда ўзаро талабчанлик, яъни бошланғич ташкилот ҳар бир коммунистдан партия аъзосига хос ҳалол яшаб ишлашни, интизомли бўлишни, қайта қуришни амалий иш билан олға бостиришни, ҳар бир коммунист эса партия ташкилотидан турғунлик даври андозаларидан тамоман воз кечишни, ижодий ишлашни, фаолиятга тобора жанговарлик бахш этишни талаб қилиши зарур. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, партия ўзининг ҳар бир аъзоси учун, коммунист эса ўз навбатида партия учун жавобгардир, фақат қаттиқ интизом ва масъулиятни теран ҳис этиш аҳволни тузатишга ёрдам беради. Бу ўринда партиянинг барча ишларини барча коммунистлар тенг ҳуқуқларда ва ҳеч қанақанги истисносиз олиб борадилар, деган ленинча принципга амал қилиш жуда муҳимдир.

Коллектив куч-ғайратини бирлаштириш — муваффақият гарови. Бинобарин, тажриба шуни ҳам тасдиқламоқдаки, коммунист ўзига нисбатан қанчалар талабчан бўлса, ўз интилиши, ҳаракатларида қанчалар ташаббускор, мустақил бўлса, унинг қайта қуришга, ҳаётнинг барча жабҳаларини янгилашга қўшаётган ҳиссаси шунчалар салмоқли бўлади. Коммунист айрим ўртоқларининг КПСС сафидан чиқиши ёки партия сафига киришдан бош тортишига лоқайд қараб турмаслиги лозим. Гап унинг эътиқоди, иззат-нафси устида, унинг бутун партиянинг обрўси, жамиятимизнинг сиёсий ядроси устида бормоқда. Бу ўринда ишонтириш кучини ишга солиш, одамларда, энг аввало шахсий намуна кўрсатиш йўли орқали партияга ғоят ҳурмат билан қарашни тарбиялаш даркор. Сира хотиржамликка берилмаслик, қилган ишидан қаноатланмаслик, ўзига танқидий баҳо беришни олдида турган вазифаларни ечишнинг янги йўлларини топиш билан уйғунлаштириш, одамларни ўз ортидан эргаштира билиш — коммунист намунаси, обрў-эътибори ортишининг гаровидир.

Коммунист қаерда ишламасин, қандай ташкилотларда ва жамоатчилик ҳаракатларида қатнашмасин, у КПСС XXVII съезди, XIX партия конференцияси қарорларига суяниб, принципиаллик билан партия йўлини ўтказиши керак. Бу — унинг партиявий, виждоний бурчидир.

ҲОСИЛ 89

МАШИНА ТЕРИМИ — ИШ УНУМИ

Риштон районидаги Алишер Навоий номли совхоз пахтазорларига «зангори кема»лар олиб чиқилди. Қийғос очилган чаноқлар киши дилини қувнатади. «Пўлат от» чавандозлари ана шу кунни орзиқиб кутишган эди. «Оқ олтин» мавсуми арафасида совхоз механизаторлари техникани мавсумга сифатли шайлашди, дефолиацияни вақтида ўтказишди. Ҳар бир механизатор ўз зиммасига мажбурият олди.

Совхознинг «Қайрағоч» бўлими пахтакорлари ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишмоқда. Бўлимнинг Мурoджон Ўринбоев бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси аҳди катта. Ҳар гектар ердан пландаги 34 центнер ўрнига 37 центнердан пахта етиштириш мўлжалланган.

Штатсиз суратчи У. ҚЎШВОҚОВ комсомол ёшлар бригадаси далаларида бўлди. Юқоридаги суратда бригадир М. Ўринбоев ва илғор механизатор Расулжон Акбаров тасвирланган. Р. Акбаров ҳозир кунига 8—10 тоннадан пахта термоқда.

Пастдаги суратда бўлим пахтазорларида машина терими акс эттирилган.



Бизнинг суҳбат

НАВБАТДАГИ СИНОВ

Табиат бу йил хоразмлик деҳқонларни бир неча бор оғир синовларга дуч келтирди. Апрель ойидаги ёмғирлар, майдаги совуқ, июль ойидаги қаттиқ дўл... Лекин улар бўш келишмади, қайта ва қайта енг шимариб офатларни бартараф этдилар. Машаққатли меҳнат туфайли далаларда яхши ҳосил етиштирилди. Аммо пахтакорлар теримни авж олдиришга эндигина киришганда, механизаторлар «зангори кема»ларини пайкалга киритмоқчи бўлган пайтда табиатнинг янги бир нағмаси рўй берди. 19 сентябрь куни эрталабдан савалаб турган ёмғир кечга бориб кучайди ва тун бўйи тинмади.

Пахта толаси деҳқон қалби каби нозик ва беғубор. Табиийки, яқинда бўлган ёмғирдан иккаласи ҳам бирдай азият чекди. Офатнинг кўлами қандай? У қанча иқтисодий ва маънавий зарар келтирди? Хоразм область агросаноат комитетининг раиси Қаландар Сапоевга шу саволлар билан мурожаат қилдик.

— Ҳақиқатан бу йил деҳқонларимиз қаттиқ меҳнат қилишди. Уларнинг кунни-кун, тунни-тун демай қилган меҳнатлари зое кетмади. Далаларда топшириқни бажарадиган даражада ҳосил етиштирилиб, уни териб олишга қизғин киришилган эди. Бироқ областимизнинг ҳамма районларида 13 соат мобайнида узлуксиз ёққан ёмғир ишимизга салбий таъсир кўрсатди. Теримчилар далага киришолмади. «Зангори кема»лар қантарилиб қўйилди. Буни терим кўрсаткичининг пасайиб кетганлиги ҳам яққол ифодалаб турибди. Агар 18 сентябрда область бўйича 2 процентдан ортиқ пахта тайёрланган бўлса, кейинги икки кун мобайнида у ярим процент атрофида бўлди.

Зиён фақат шу билан ўлчанмайди. Ёмғир ёғаётган кезда бир қатор хўжаликларда бўлдим. Қийғос очилган пахталарнинг ерга тушиб, лойга беланаётганини кўриш, айниқса дилни эзарди. Шундай пайтда деҳқон юзига қарашга юрак бетламайди. Ахир, областимиз тўла равишда оила ва ижара пудрати асосида ишлаяпти. Пахта нобуд бўлса, ҳар бир хонадоннинг ризқ-рўзи, даромади камаяди.

Начора, ёмғирнинг олдини олиш чораси йўқ. Шу боис бирмунча ҳосилнинг сорти пасайди. Хирмондагиларини қуритиб топширишга ҳам анча меҳнат кетади. Шунингдек, ёмғир арафасида дефолиация қилинган 10 минг гектардан ортиқ майдонга қайтадан барг тўктирувчи дориларни пуркаш керак бўлади. Ана шуларнинг ўзига кўзда тутилмаган минглаб сўм маблағ, иш вақти кетиши турган гап.

Деҳқонларимизнинг матонатига қойил. Улар офтоб чиқиши билан далага отланишди. Бироқ ёғингарчилик ҳаммамизни яна бир бор сергаклантирди. Кузда табиатнинг феълига ишониш қийин. Шунинг учун йиғим-терим ишларини юксак маромда ташкил этиб мавсумни қисқа муддатда якунлаш чораларини кўриш лозим.

— **Областда бу борада қандай тадбирлар амалга оширилялти?**

— Ҳозир бутун куч-ғайрат сафарбарликни, уюшқоқлик ва тартиб-интизомни юқори даражада йўлга қўйишга қаратилган. Ана шунга эришмас эканмиз, терим муваффақияти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Токи, ҳар бир теримчи, механизатор ва ҳашарчи зиммадаги масъулиятни англасин. Табиийки, баландпарвоз чақириқлар ва шиорлар билан иш битмайди. Ҳамма гап кундалик шижоатли меҳнатни ташкил этишга боғлиқ. Район партия, совет, касаба союз ташкилотлари ва хўжалик органлари жойларда худди шу масалага катта эътибор бермоқдалар. Далада ишловчиларнинг дам олиш шароитларини яхшилаш учун ғамхўрлик кўрсатиляпти. Социалистик мусобақа таъсирчанлиги оширилаётир. Бу каби тадбирлар ўзининг илк самараларини кўрсата бошлади. Шу вақтгача областда 60 дан ортиқ оилавий звено пахта тайёрлаш топшириғини бажарди. Хивалик, шоватлик пахтакорларнинг кунлик кўрсаткичлари 2,5 процентдан ошяпти.

Бир сўз билан айтганда, хоразмлик пахтакорлар ўзларининг бой тажрибалари, тадбиркорликларини ишга солиб, зиммаларидаги 360 минг тонналик хирмонни яратишга маҳкам бел боғлаганлар.

— **Сиз йиғим-терим ишларида ҳашарчиларнинг қатнашишини қайд этдингиз. Улар кимлардан иборат бўлади?**

— Шу пайтгача йиғим-терим ишларида ҳашарчилар қатнашишаётгани йўқ. Айни пайтда колхоз ва совхозлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, олий ўқув юртлари, шаҳар ва район марказларидаги корхона, идоралар билан бу масалада шартнома тузяптилар. Ҳашарчиларнинг терим ишларидаги иштироки бир ойдан ошмайди. Мактаб ўқувчилари эса бу юмушга жалб этилмайди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш

28 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлган кенгашда партия комитетларининг КПСС Марказий Комитети 1989 йил сентябрь Пленуми материалларини тушунтириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Кенгашда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчилари сиёсий маориф системасида янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, уни такомиллаштириш йўллари ва мафкуравий ишларнинг бошқа долзарб масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳамидов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Республика автомобиль йўлларида йўл-транспорт ҳодисалари камаймаяпти. Бунинг қатор сабаблари орасида шофёрлар ва йўловчиларнинг белгиланган қоидаларни бузиш, маст ҳайдовчининг машинани бошқариши ва бошқалар бор. Автомобиль йўлларига хизмат кўрсатувчи идораларнинг қониқарсиз иши ҳам бунда катта роль ўйнайди. Кейинги йилларда бу ерда йўллардан фойдаланиш бошқармалари ва ишлаб чиқариш бирлашмалари раҳбарларининг асосий куч-ғайратлари йўлларни реконструкциялаш ҳисобига «фойдали» иш ҳажмларини кўпайтиришга сарфлаб, мавжуд магистралларнинг амалда бузилиб кетишига йўл қўйишлардек нохуш тенденция пайдо бўлди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг мажлисида шу ҳақда жиддий гап борди. Мажлисни республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков олиб борди.

Мажлисда шундай фактлар келтирилди. Масалан, ўтган йили айрим участкаларда йўлларнинг тупроқли қисмини кенгайтириш ишлари 283 фоиз бажарилган, кўприклар ва кўприк йўлларнинг четларидаги тўсиқларни ўрнатиш ишлари атиги 67 фоиз бажарилган. Тошкент—Душанбе йўлини иккига бўлиб турувчи тўсиқнинг ўрнатилмаганлиги натижасида у ерда 1988 йилда 12 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, бунда 20 киши жабрланган. Чунончи, олтита ҳолда рўпарадан келаётган машиналар тўқнашиб кетган.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари министрлиги раҳбарлари фаолиятига принципиал ва қаттиқ баҳо берилди. Комиссия аъзолари қисқа муддат ичида республика автомобиль йўллари қурилиши ва улардан фойдаланишдаги ишлар аҳволини таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўришни талаб қилдилар.

Мажлисда Тошкент область ижроия комитети ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди.

(ЎзТАГ).

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

26 сентябрь куни СССР Олий Советининг иккинчи сессияси Кремлда ўз ишини давом эттирди. Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси эрталаб соат 10 да М. С. Горбачевнинг раислигида очилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. И. Абалкин «СССРда кооперация тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси юзасидан доклад қилди. У иқтисодиятнинг ялпи давлатлаштирилиши тенденциясини бартараф этадиган кооператив ҳаракатининг маданий системаси зарур эканлигини таъкидлади.

Жамиятимизни ташвишлантираётган энг ўткир масалалар хусусидаги мунозарада СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси С. С. Алексеев, депутатлардан В. А. Шаповаленко, Л. И. Сухов, А. А. Собчак, В. И. Семуха, А. А. Коршунов, М. А. Бочаров, Н. С. Петрушенко ва бошқалар ўз фикрларини баён этдилар. Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасининг дастлабки ўқилиши жўшқин ўтди. У жамиятдаги кайфиятни — кооператив ҳаракатида қандай кишилар иштирок этаётганлигини аниқ-равшан билиб олиш кераклиги кайфиятини акс эттирди. Кўпчилик буни кооперацияни муваффақиятли ривожлантиришнинг, уни халқ қўллаб-қувватлашининг ҳал этувчи шарти, деб ҳисобламоқда.

Кооператив соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган кўплаб конкрет таклифларни киритган халқ депутатлари қонун лойиҳасининг дастлабки ўқилишини маъқуллашга қарор қилдилар. Энди бу масала хусусидаги мунозаралар СССР Олий Советининг комитетларига ва палаталари комиссияларига кўчирилади.

Кечқурунги мажлисда меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ солишни кооперативлар практикасига татбиқ этиш масаласи хусусида фикрлашув бўлди.

Сўнгра СССР молия министри В. С. Павлов депутатларнинг мамлакатнинг 1990 йилги бюджети лойиҳасига тааллуқли саволларига жавоб қайтарди.

СССР Олий Совети депутатларнинг таклифига биноан СССР халқ депутати Б. Н. Ельциннинг АҚШга сафари совет матбуотида ёритилиши муносабати билан вужудга келган масалалар юзасидан комиссия тузди.

Сессия иши яқин уч кунга СССР Олий Совети комитетларига ва палаталарнинг комиссияларига кўчирилиб, давлат плани ва давлат бюджети лойиҳалари уларга берилади.

(ТАСС).

Область Советининг сессияси

Фарғона, 28 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Фарғона область Советининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари 1989 йилда областни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш плани қандай бажарилаётгани тўғрисида область Совети ижроия комитетининг ҳисоботини муҳокама этдилар. Бу ҳақда область ижроия комитетининг раиси Ғ. Фозилов доклад қилди.

Шунингдек, депутатлар область Советининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини маҳаллий Советлар қандай бажараётгани, область халқ контроли комитетининг янги квартиралар ва бўшаб қолган квартираларни область аҳолиси ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги ахборотларини тингладилар.

Сессияда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев нутқ сўзлади.

АҚШдан КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Флорида штатининг давлат секретари Жим Смит бошчилигидаги делегация Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг таклифига биноан АҚШдан республикамизга келди.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишувни В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройини бориб кўришдан бошладилар. Шундан кейин халқ усталари билан учрашув бўлиб ўтди. Делегация аъзолари ўзбек хонадонида меҳмон бўлдилар. Навоий номли опера ва балет театрида улар учун концерт берилди.

— Бугун кўришга муваффақ бўлган ҳамма нарса ғоят мақтовга лойиқдир, — деди Жим Смит. — Мен буни жаҳон даражасидаги санъат, деган бўлур эдим.

АҚШдан келган делегацияни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова қабул қилди.

(ЎзТАГ).

• СССР Олий Советининг комитетлари ва комиссияларида

ЎРИНЛИ ШУБҲАЛАНИШНИНГ НАФИ ҲАҚИДА

СССР Олий Советининг учинчи иш куни парламентдаги мухбирларни мушкул аҳволга солиб қўйди: 27 сентябрь куни сессияда бошланган ҳамма мунозараларни қамраб олиш учун журналистлар мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг бир неча комитети ва комиссияси мажлисларида айни бир вақтда ҳозир бўлиши керак эди.

Халқ депутатлари жуда хилма-хил масалаларни муҳокама қилдилар. **Иттифоқ Советининг меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссияси** парламентнинг бир қанча комитетлари иштирокида келгуси йилги план ва бюджет лойиҳаларига принципиал баҳо беришлари лозим эди. Ижтимоий соҳани қайта қуришнинг жадаллиги шу лойиҳаларнинг сифатига бевосита боғлиқ.

Комиссия раиси **Н. Н. Гриценко** бу баҳонинг нақадар масъулиятлилигини англаб, депутатларни лойиҳаларни инсонга нақадар хизмат қила олиши нуқтаи назаридан кўриб чиқишга чақирди. Чунки инсонни ташвишлантираётган муаммолар, юмушлар, умидлар мана шу иккала ҳужжатнинг асосий мағзи бўлиши керак.

Шу муаммоларнинг кўплари бениҳоя зарур бўлганлиги сабабли ҳозирнинг ўзидаёқ уларни ҳал этиш ёндашувлари белгилаб олиниши керак. Бу ишни пайсалга солиб бўлмайди. Мунозара қатнашчилари — депутатлар ва уларга ёрдам берган марказий иқтисодий идораларнинг, министрликларнинг, бир қанча жамоат ташкилотларининг экспертлари буни яхши тушунар эдилар.

Лойиҳаларни шарҳлаш учун ҳукумат энг яхши кучларни ажратиб берди — депутатлар ҳузурида СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари **А. С. Ситарян** ва СССР Молия министрлиги ижтимоий тараққиётни пул билан таъминлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари **Л. А. Лисенко** доклад қилдилар.

Депутат **А. Г. Журавлев**нинг фикрича, лойиҳаларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, уларда энг устун соҳалар таъкидлаб кўрсатилмаган. СССР Госплани билан иттифоқ Молия министрлиги иқтисодиётни барқарорлаштиришга оид фавқулодда чора-тадбирлар бўлимларини киритишлари зарур, деди у. Мамлакат дучор бўлган мушкул аҳволдан чиқиш йўлларини янада сабот билан излаш лозим.

Халқ депутати **А. А. Сидоров** Улуғ Ватан урушининг барча инвалидларини ҳамда шу уруш жангларида ҳалок бўлган аскарларнинг оилаларини яқин вақт ичида уй-жой билан таъминлашга кафолат берилишини талаб қилди.

Меҳнат ҳақи фондларини кўпайтирмаслик йўли ўтказилаётган, бюджет камомади тугатилмаган бир пайтда комсомол ва партия аппаратларидаги иш ҳақини кўпайтириш тадбирлари, юмшоқ қилиб айтганда, ғалати туюлмоқда, деди депутат **В. И. Самарин**. Бундай ёндашув мантиқи бутун устқурма аппаратини сақлаш харажатлари кўпайишига олиб боришига, бу эса пулнинг қадрсизланишига чек қўйишга оид жамият муҳтож бўлиб қолган чораларга зид эканлигига аминман, деди у. Шунга асосланиб нотиқ, жумладан, даромад солиғи аҳоли жон бошига қараб солиниши керак, шу йўл билангина маблағларни қайта тақсимлашда ижтимоий адолатга эришиш мумкин, деб таклиф қилди.

Хотин-қизлар, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари комитетининг раиси депутат **В. И. Матвиенко** лойиҳалар хусусидаги бошқа танқидий мулоҳазалар орасида уларнинг моддий ресурслар жиҳатидан мутаносиблигига шубҳа билдирди. Аниқ-равшан, илмий асосланган ижтимоий нормативлар 90-йил плани билан бюджетининг асоси бўлиши керак, деди у.

Ҳар бир иқтисодий ислоҳотимиз шу дамгача муваффақиятсизлик билан тугаб келди ва одамларнинг турмуш даражасини пасайтириб юборди, деди депутат **В. Н. Ярошенко**. Бу маломатнинг нақадар ҳақлиги депутатнинг виждонига ҳавола. Аммо унинг битта таклифини кўпчилик маъқуллади: ҳозирги шароитда мамлакат хусусий мулкчиликка қисман йўл қўйиши лозим, деди у. Депутат квартираларнинг, боғ ва чорбоғларнинг шахсий мулк қилиб сотилаётганини, акциялар бозори вужудга келтирилаётганини мисол қилиб кўрсатди.

Мунозаранинг бир неча қатнашчиси ҳам жуда кескин тадбирларни таклиф қилди, бу тадбирлар, уларнинг фикрича, иқтисодиётимизнинг аҳволини яхшилаши, бинобарин, одамларнинг фаровонлигини ошириши мумкин.

Госплан ва Молия министрлигининг вакиллари бу таклифларга жавоб қайтариш учун жиддий тайёргарлик кўришлари лозим. Аммо комиссия раиси мунозара якунида айтганидек, мулоқот танқидий руҳда ўтган бўлишига қарамай, якдиллик руҳи сезилиб турди ва амалий тусда бўлди: парламент билан ҳукумат жамиятнинг, мамлакатнинг имкониятларига асосланиб, кучли ижтимоий сиёсат йўлини биргаликда ишлаб чиқмоқдалар.

Бутун кўпмиллатли Иттифоқимизнинг манфаатлари билан алоҳида ҳар бир иттифоқдош республиканинг манфаатларини диалектик бирликда қандай қилиб бирга қўшиш мумкин? Мамлакат плани ва бюджети лойиҳаларини **СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Иттифоқдош ва автоном республикаларни, автоном областлар ва округларни ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожлантириш масалалари комиссияси билан Миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси** қўшма мажлисида муҳокама қилиш чоғида шу муаммо кўндаланг қилиб қўйилди.

СССР Госплани раисининг ўринбосари **А. Н. Трошин** келгуси йилда моддий-техника ресурслари қандай тақсимланишини гапириб берди. Шунда дарҳол баъзилар ўз манфаатларини кўзлаб гапира бошладилар. 1990 йилда Россия Федерациясида уй-жой қуришга давлат маблағлари нега камайтирилмоқда, деган савол билан докладчига мурожаат этган РСФСР Госплани раисининг биринчи ўринбосари **Н. П. Машьянов** муштарак манфаатлар йўлида бу маблағлар жуда оз миқдорда камайтирилганини билар эди, албатта.

Иттифоқ Госплани вакилининг кўрсатган далиллари ишонарли кўринди: мамлакат олдида ҳаддан ташқари кўп зарур муаммолар пайдо бўлди. Арманистон ва Тожикистондаги зилзилалар, Чернобиль атом электр станциясидаги авария, экология вазиятининг кескинлашганлиги сабабли вужудга келган мушкул аҳволни бартараф этиш керак-ку, ахир. Миллатлар Совети Миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси раиси ўринбосари **Е. Н. Овулбеков** ҳукуматнинг Орол юзасидан қабул қилган қарори ғайрат билан бажарилаётганига шубҳа билдирганлиги тўғри эмасми, ахир? Бунинг устига иш ташлашлар бўлиб турибди, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмаган табақалари ҳақидаги ташвишларимизни айтмайсизми. Бу ишларнинг ҳаммасини шошилинч тарзда ҳал қилиш керак. Ресурсларни тақсимлашда кимга бир мунча қўшиш ва кимдан олиш керак? Мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мана шу ҳамма тугунларини халқ депутатлари ечиб беришлари лозим, улар СССР Олий Советининг сессиясига ўз таклифларини тақдим қилишлари керак.

Бир масалада ҳамма якдил бўлди: қайта қуриш мамлакат давлат турмушининг жуда муҳим масалаларини ҳал этишда энг катта ёрдамчи бўлиб қолди. СССР Госплани вакилининг докладидаги рақамлар буни яққол кўрсатиб турибди. Депутатларнинг кайфияти нақадар танқидий бўлмасин, улар давлат миқёсидаги планлаштириш концепциясида ижтимоий соҳанинг устун жиҳатлари аввалгидан кўра яққолроқ кўриниб турганини тан олишлари лозим.

Миллатлар Совети Иттифоқдош ва автоном республикаларни, автоном областлар ва округларни ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожлантириш масалалари комиссиясининг раиси **Э. И. Вилкас** харажатларни имкони борича қандай қилиб камайтириш мумкин, деган масалани ҳам кўтарди. Бу йўлдаги йўналишларнинг бири марказлаштирилган капитал маблағ сарфлашни тугатиш бўлса, иккинчиси мудофаа харажатларини қисқартиришдир. Шу муносабат билан депутатлардан бири иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий мустақиллигига катта эътибор берилаётгани бежиз эмас: у ердагилар маҳаллий имкониятларни тўла-тўкис ишга солиш ҳақида ўйлаб кўришлари керак, деган гапни айтди.

Яқиндагина депутатлик курсисида ўтирган ва эндиликда ҳукуматнинг агросаноат секторига бошчилик қилаётган **В. В. Никитин Олий Совет Аграр масалалар ва озиқ-овқат комитети**нинг аъзолари ҳузурида сўзга чиқди. У мамлакат қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ва унинг яқин истиқболлари ҳақида гапирди. СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари чизиб берган манзара парламентнинг мана шундай сессияларида депутатлар эшитиб келган гаплардан фарқ қилар эди. Ҳа, илгари планнинг лойиҳаси бу қадар синчиклаб таҳлил этилмас ҳам эди.

Депутатлар агросаноат комплексига оид режаларни таҳлил этишни, халқ хўжалигининг учдан бир қисмини ўз ичига оладиган кўп тармоқли секторни ривожлантириш программасини ишлаб чиқишга янгича ёндашувларни излашни кузги анжуман очилишидан анча аввал бошлаган эдилар. Улардан ҳар бири каттагина «уй вазифасини» бажариб келди, бу вазифанинг моҳияти давлат планига регион нуқтаи назаридан қарашдан иборат эди. Комитет аъзолари сессия очилишидан бир ҳафта аввал яна Москвада тўпланиб, вақтни бекорга ўтказмадилар: министрликлар ва идораларнинг экспертлари, мутахассислари билан биргаликда энг ўткир саволларга сазовор бўлган жиҳатларни синчиклаб ўрганиб чиқдилар. Бу босқичда депутатлар олий министрлик поғоналари билан эмас, балки ижрочилар билан, лойиҳалардаги таклифлар устида бевосита ишлаган кишилар билан алоқа ўрнатганликлари диққатга сазовордир. Улар комитетнинг мажлисига обдон тайёргарлик кўрган эдилар. Бу мажлисга Министрлар Советидан В. В. Никитиндан ташқари СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госснаби раиси П. И. Мостовой, СССР Госпланининг раҳбарлари, турли министрликлардан ўн нафарча мансабдор шахслар келган эдилар.

Комитет план ва бюджет лойиҳаларидаги ўзига тегишли бўлимларни муҳокама қилишни 4 октябрь кечқурунгача давом эттиришни режалаштирди. Бироқ, биринчи учрашувнинг ўзидаёқ «бахсли нуқталар» аниқланиб қолгандек бўлди. Парламентнинг Инвестиция ва моддий-техника таъминоти кичик комитети раҳбари **Э. Х. Гукасов** шу ҳақда гапирди. У ҳукумат томонидан агросаноат комплексига устунлик беришга қарор қилинганини ва планлаштирувчи органлар келгуси йилда қишлоқ хўжалиги учун беш йиллик планда кўзда тутилган даражада инвестиция ажратиш имкониятини топганини (бошқа бирон тармоқ муяссар бўлмагани ҳолда, агросаноат комплекси қўшимча равишда 1 миллиард сўм капитал маблағ олганини) таъкидлаб, айни вақтда бир қанча жиддий мулоҳазаларни айтди. Масалан, капитал маблағлар марказлаштирилган молия манбалари билан тўла-тўкис таъминланмаяпти. Моддий-техника таъминотининг истиқболлари, айниқса, қизғин таҳлил этилди. Комитет аъзоларидан **В. И. Штепо, Б. И. Краснокутский**, бошқа депутатлар ҳам моддий-техника таъминотининг кўп жиҳатларидан қаноатланмаётганликларини айтдилар.

Кўпгина халқ депутатлари қайта қуришга халақит бераётган сабаблар ҳақида гапирганларида сиёсий қарорлар иқтисодий қарорлардан ўзиб кетди, деган фикрни айтдилар. **СССР Олий Совети халқ депутатлари Советларининг иши, бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш масалалари комитетининг** аъзолари мамлакатнинг 1990 йилги плани ва бюджетини муҳокама қилаётганида ҳам шу фикр яққол сезилиб турди.

Крамоторск индустриал институти кафедрасининг мудири, халқ депутати **В. И. Карасев**нинг фикрича, планлаштириш усуллари ва ёндашувларини ҳали ҳам ўша аввалги кишилар белгилаб бермоқдалар, яъни асосий нормативлар юқоридан айтилмоқда. Пўлат, кўмир ва бошқа кўп нарсаларни, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг деярли ҳамма турларини бераётган Украинани олиб кўрайлик. У планнинг барча кўрсаткичлари юзасидан давлатга маҳсулот етказиб бериш топшириқларини бажарса ҳам, ўзининг истеъмол бозорини моллар билан таъминлай олмаяпти. Нега? Чунки, ҳаммага керакли кўмир билан пўлатни Украина ишлаб чиқаряпти, халқ истеъмоли моллари эса етишмаяпти, республика эса бу молларни етарли миқдорда олмаяпти.

Шу сабабли планлаштириш схемасини ўзгартириш — ҳар бир конкрет инсоннинг эҳтиёжларини назарда тутиш лозим.

Комитетнинг кечки мажлисида «СССРда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. СССР Министрлар Совети тақдим этган бу ҳужжат халқ депутатларини қаноатлантирмаяпти, чунки, уларнинг айтишича, бу Қонун лойиҳаси, жумладан, мулкчилик, ер, давлат корхонаси тўғрисидаги бошқа энг муҳим Қонун лойиҳалари билан уйғунлаштирилмаган. Халқ депутатлари унга аввало Қонун лойиҳасининг асосий мазмунига тааллуқли кўпгина тузатишлар киритишди. Аслида бу жойлардан тушган кўпдан-кўп истаклар ва таклифлар эътиборга олинган муқобил вариантдир.

СССР Олий Советининг Халқаро ишлар комитети Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатларнинг 1986 йил Вена учрашувида эришилган аҳдлашувлар Совет Иттифоқида қандай бажарилаётганлигини таҳлил этди.

Инсоний ҳамкорлик — унинг ҳамма соҳалари тўғрисидаги масала устун мавзу қилиб танлаб олинганлиги бежиз эмас, деди комитет раиси вазифасини бажарувчи **А. С. Дзасохов**. Унинг айтишича, бу соҳадаги силжиш Вена мулоқотининг бошқа ҳужжатларини ҳам рўёбга чиқариш учун қулай замин бўлиб хизмат қилади. Халқаро ҳамжамиятда Вена учрашувининг натижалари ғоят юқори баҳоланмоқда ва айни вақтда бу натижаларга СССРда рўй бераётган қайта қуриш, жаҳон ишларидаги янгича сиёсий тафаккур фалсафаси, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларга инсонпарварлик руҳини сингдириш йўли туфайли ҳал қилувчи даражада эришилганлиги таъкидланмоқда. Бу аҳдлашувларни рўёбга чиқариш Совет Иттифоқининг туб манфаатларига, янада демократиялашга, социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ишига тўла-тўкис мос бўлиб тушади.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси эслатилиши ҳамоноқ юзни бужмайтириш одати ўтмишда қолиб кетмоқда, чоғи, деди мажлисда сўзга чиққан СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари **А. Л. Адамишин**. Ҳозир мамлакатимизда инсонийлик—ҳуқуқий соҳада катта ижобий силжишлар рўй бермоқда. Қайта қуриш даврида бу мавзу ташқи сиёсатда ҳам социалистик тузумимизнинг табиати талабларига мувофиқ муҳим ўрин ола бошлади. Шу билан бирга бу соҳада ҳамон кўпдан-кўп муаммолар, бузилиш асоратлари, айтиш мумкинки, қаровсизлик мавжуд, халқ депутатлари, Олий Совет комитетлари ва комиссияларининг ва уларга мадад бериб турган афкор омманинг иштирокисиз бу ишларни ўнглаб олиш жуда узоқ давом этадиган мураккаб иш бўлур эди. Вена аҳдлашувларини рўёбга чиқаришда ҳозирча лозим бўлганидан кўра анча кам иш қилинган.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда катта силжиш бўлганлиги яққол кўриниб турган бўлса ҳам, бироқ бу жараён қийинчилик билан илгарилаб бормоқда, деди СССР халқ депутати **Ф. М. Бурлацкий**. У энг юксак даражада қабул қилинган ва Вена ҳужжатидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш муддатлари чўзилиб кетаётганидан хавотирлик изҳор этди. Ўтмишдан қолган сийқа усуллар, тафаккур андозаларини бартараф этиш, бу соҳада ҳам янги тафаккурга йўл очиб бериш зарур, деди нотиқ.

Мажлисда давлатнинг ҳуқуқий характерини мустаҳкамлайдиган йирик қонунларни, шу жумладан матбуот тўғрисидаги, виждон эркинлиги ҳақидаги, гражданларнинг чет элга чиқишлари тўғрисидаги ва бошқа қонунларни ишлаб чиқиб, қабул этишни тезлаштиришга, мавжуд қонунларни рўёбга чиқариш практикасини Вена аҳдлашувларига мувофиқ ҳолатга келтиришга даъват этилди. Шу иш механизмининг ўзини такомиллаштириш, бу ишга ижтимоий ва илмий кучларни имкони борича кўпроқ тортиш, қонун лойиҳаларининг муҳокамаси ошкоралигини таъминлаш лозим.

Репортажни ТАССнинг парламентдаги мухбирлари Ю. БЕРСЕНЕВ, Б. ГРИШЧЕНКО, А. ДЗЮБЛО, И. НОВИКОВ, В. ОРЛОВ олиб бордилар.

ДЕПУТАТНИНГ БИР КУНИ

Унинг ҳаёт йўли оддий: ўрта мактабни тугатиб, Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Сўнг нефть-газ конларида ишлади. Олий маълумотли бўлди. Ўзи танлаган касбга меҳри туфайли эл ишончига сазовор бўлди.

Тўлқин Омонов ҳақида Шўртан газчилари орасида самимий гапларни эшитасиз. Бу—бежиз эмас. У ўз ҳамкасблари билан тезда тил топишди. Ҳар бирининг қалбига йўл топа олди. Инженер Т. Омонов вазифаларини бекаму кўст бажаришга одатланган. У коллективни янгича иш юритишга чорлади, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. Кийин ишлаб чиқариш участкаларида ҳам ўзини кўрсатди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланишига муносиб ҳисса қўшди. У бундан тўрт йил олдин «Шўртангаз» бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

1989 йил Тўлқин Омонов ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. У Қарши миллий-территориал округидан СССР халқ депутати қилиб сайланди.

— Эл ишончини қозониш учун тер тўкиб ишлашга тўғри келмоқда, — Т. Омонов. — Энг муҳими, сайловчилар наказини вақтида бажариш керак. Қишлоқ посёлкалари, мактабгача болалар муассасалари, район марказларини «зангори олов» билан таъминлаш масаласи областимизда ҳаётий масалалардан бири бўлиб турибди. Беш йил ичида 15 минг шахсий хўжалик табиий газ билан таъминланиши керак. Ҳозир Ғузор райони хўжаликлари газлаштириляпти. Бунда «Шўртан» кооперативи меҳнатчилари яхши ишлашаётир. Пўлат қувурлар ўтказилди. Қишга қадар 170 оила газ билан таъминланади.

Суратларда: (юқорида) СССР халқ депутати Т. Омонов «Шўртангаз» бошқармаси ишчилари билан суҳбатда; «Ғузор» колхозининг Полвоновлар оиласи хонадонига газ келди. Депутат бу қувонч билан уларни табрикламоқда.

Р. НУРИДДИНОВ ва Ш. ШАРОПОВ суратлари (ЎзТАГ).

Қашқадарё области.

• Ўзбекистон ССР Қонунлари лойиҳалари умумхалқ муҳокамасида

ДЕМОКРАТИЯГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Матбуотда эълон қилиниб, муҳокамага қўйилган ЎзССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, ва ЎзССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови ҳақидаги Қонунлар лойиҳалари сиёсий системани ривожлантиришга ва сайлов ўтказишни демократиялашга қаратилган.

Шунинг учун Асосий Қонунда ҳам, сайлов тўғрисидаги қонунларда ҳам гражданларнинг, сайловчиларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай воситалар билан чекловчи ҳолатларга барҳам бериш зарур.

Лойиҳаларда номзод кўрсатиш ҳуқуқи гражданларнинг истиқомат жойларига ҳам берилади. Фикримча, шу масала бошқачароқ ҳал қилиниши керак. Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 31-моддасида сайловчиларнинг йиғилиш ўтказиш ҳақидаги таклифи уч кун ичида кўриб чиқилади, деб таклифни рад этиш мумкинлиги ҳам кўрсатилади. Аммо қандай ҳолларда рад этилиши аниқ кўрсатилмаган. Умуман, бундай йиғилишлар қонун талабларига мос келса, уни рад этиш ҳақида гап ҳам бўлмаслиги керак. Аксинча маҳаллий органларга албатта истиқомат жойларида номзод кўрсатиш учун йиғилишлар ўтказиш мажбурияти юкланиши лозим. Чунки депутатларни оқибат натижада улар сайлайди. Корхона, муассасалардаги ходимлар номзод кўрсатишда иштирок этса ҳам, овоз беришда қатнашмаслиги мумкин, чунки уларнинг баъзилари шу округда яшамасликлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шунинг учун номзод кўрсатишда истиқомат жойларга эътибор кучайтирилиши зарур. Яна шу моддада номзодликка қоида тариқасида шу округ территориясида яшовчи ёки ишловчилар кўрсатилади, дейилган. Бу ҳам гражданларнинг тенг ҳуқуқлилигини чеклайди. Чунки, «қоида тариқасида» сўзини ҳар хил ишлатиш мумкин. Ўзбекистон территориясида яшовчи ҳар бир граждан ҳар қандай округдан номзод қилиб кўрсатилиш ҳуқуқига эга бўлсин.

Қонунга сайлов бюллетенига киритиладиган номзодлар сони, сайланадиган депутат сонидан албатта кўп бўлиши қоида тариқасида киритилиши керак. Бу гражданларга сайлов ҳуқуқинигина эмас, танлаш ҳуқуқини ҳам беради.

ЎзССР Олий Советига сайлов ҳақидаги қонун лойиҳасининг 33-моддасида «тегишли сайлов комиссияси ушбу қонун талабларига риоя этиб кўрсатилган депутатликка номзодларни рўйхатга олади» дейилган. Лекин шу ерда рўйхатга олишдан бош тортилган тақдирда марказий сайлов комиссиясига шикоят қилиш мумкин деб кўрсатилган. Агар рўйхатга олишдан бош тортишнинг аниқ сабаблари кўрсатилмаса, бу модданинг ҳолатидан демократияга зид мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлиб қолади.

Маҳаллий Советларга сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг 19-моддасида сайлов комиссияси системаси берилган. Шу моддада ҳамма маъмурий-территориал бўлинишларда сайлов округи тузилиши кўрсатилган. Бу мақсадга мувофиқ эмас. Уларнинг ўрнига маҳаллий Советларга сайлов ўтказувчи Марказий комиссия тузилса, раҳбарлик қилиш бир ердан амалга оширилади, тажрибаларни ёйиш имконияти кучаяди.

Умуман олганда, ҳар икки Қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга, уларнинг иш фаолиятини яхшилашга, демократияни ривожлантиришга қаратилган. Шунинг учун ЎзССР Олий Советига 500 депутат сайланиши кўзда тутилган. Фикримизча, бу кўп. Депутатлар сонини камайтириб, ЎзССР Олий Советини, СССР Олий Советига ўхшаш доимий ишловчи органга айлантириш мақсадга мувофиқдир.

О. ҲУСАНОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент.

МУАММОЛАРНИНГ ЎТКИРЛИГИНИ АНГЛАБ

МОСКВА, 27 сентябрь. ЎзТАГ махсус мухбири А. Баранов хабар беради: 1990 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планини, шунингдек давлат бюджетини муҳокама қилаётган СССР Олий Советининг ишида қатнашаётган ўзбекистонлик СССР халқ депутатлари Ўзбекистон ваколатхонасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР молия министри И. И. Маматисаев, халқ хўжалиги бир қанча тармоқларининг Москвага келган мутахассислари билан учрашдилар.

Фикрлашув манфаатдорлик билан ва жуда қизғин ўтди. Республикада долзарб муаммолар анчагина тўпланиб қолган. Бу пахта комплекси масалалари — якка зироатчиликни тугатиш, пахта ҳосилининг харид нархини ошириш, экология муаммолари — Орол ва Орол бўйини амалда қутқариш йўллари, ишлаб чиқариш корхоналарини оқилона жойлаштириш ва атроф муҳитни, одамлар саломатлиги ишончли тарзда ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳолини ишга жойлаштириш системасини қайта қуриш, давлат уй-жой қурилиши сиёсатида социал адолат муаммоларидир...

Депутатлар ҳукумат, марказий давлат органлари ва идораларида ўртага қўйилган масалалар қандай ҳал этилаётганлиги тўғрисида батафсил ахборот олдилар. Учрашувда баён этилган умумий фикрга кўра, республика таклиф этган келгуси йил плани ва бюджети пухта ишланиб тасдиқланган тақдирда булар экономикада силжишга, Ўзбекистон аҳолиси турмушининг социал шароитларини яхшилашга эришиш учун яхши омилларни вужудга келтиради.

Халқ депутатлари бўлган республика вакиллари Олий Советда ўзларининг доимий ишлашига қарамай, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округларни социал ҳамда иқтисодий ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи комиссияда фаол қатнашиб, ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилиш ниятида эканликларини баён этдилар. Комиссия эртага Ўзбекистон ССРнинг план ва бюджетини батафсил муҳокама қилади.

Мамлакат Олий Советининг турли комитетлари ва комиссияларида Ўзбекистондан йигирмадан ортиқ депутат доимий ишлаб турибди. Улар сессия очилишидан анча аввал Москвада иш бошлаган эдилар. Ҳозир иш тартиби айниқса тиғиз бўлиб қолди. Аммо ҳамма нарса улар бундай ишга тайёр эканликларидан далолат бермоқда. Ҳамма депутатларнинг кайфияти ғоят тетик — уларда ўз кучига кўпроқ ишонч пайдо бўлиб, парламент иши соҳасида тажриба тўпламоқдалар.

Андижон тиллар педагогика институтининг ректори, шу областдан СССР халқ депутати М. И. Умарҳўжаев эрталабки учрашувда Андижондаги гидролиз заводи хусусида СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижковга берилган депутат сўрови тўғрисида маълум қилди. Иқтисодий жиҳатдан нафли бўлмаган, экологик ва социал нуқтаи назардан зарарли бўлган бу корхона ҳамон ишлаб турибди. Аҳоли корхонани ёпиш ёки унинг соҳасини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни бир неча марта ўртага қўйганлигига қарамай, бу масалалар идоравий жиҳатдан ҳал этилмаяпти. Андижонликларнинг ташаббусини парламент группаси қўллаб-қувватлади ва деярли барча депутатлар бу сўровга имзо чекдилар.

Учрашув қатнашчилари бўлган депутатлар мамлакат парламентида биринчи навбатдаги, шунингдек истиқболга мўлжалланган бундан буёнги иш режалари ҳақида гапириб бердилар. Сайловчилар берган наказлар ана шу режаларнинг асосини ташкил этади.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Қўрғонтепа районидаги Энгельс номли колхозининг Маъмуробод участкасида яшовчи аҳолининг аризаси ўрганиб чиқилди. Унда хўжаликнинг собиқ агрономи, ҳозирги пайтда Улуғбек номли маҳалла комитетининг раиси А. Юнусов қишлоқ қабристонига сув бостириб юборганликда айбланиб, унга нисбатан чора кўриш сўралган эди.

Қишлоқ аҳли ва аризачилар иштирокида йиғилиш ўтказилиб, А. Юнусов қаттиқ огоҳлантирилди ва маҳалла комитети раислиги лавозимидан бўшатилди.

Қабристонда ободонлаштириш ишларини олиб бориш учун маблағ ажратиш Энгельс номли колхоз правлениеси ва Қўрғонтепа қишлоқ Совети ижроия комитетига топширилди.

НАМАНГАН ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Наманган шойи газламалар бирлашмаси тайёрлов цехи ишчиси Х. Бозорованинг аризаси юзасидан текшириш ўтказилганда унинг ишдан ноҳақ бўшатилганлиги тасдиқланди.

Тешириш якуни коллективда муҳокама қилинди. Х. Бозоровани шошма-шошарлик билан ишдан бўшатганликлари учун тайёрлов цехи бошлиғи Р. Абдуллаевга қаттиқ ҳайфсан, шу цех катта мастери О. Ҳасановага ҳайфсан эълон қилинди.

ДЕҲҚОНОБОД РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— «Деҳқонобод» совхозининг Чучуккудуқ қишлоғида яшовчи М. Шермаматовнинг аризаси юзасидан текшириш ўтказилди. Аризада совхознинг 3-агроучасткасида жойлашган А. Холбоев мудирлик қилаётган сут-товар фермасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар баён этилганди.

Сут-товар фермаси хўжалик фаолияти текширилди. Унинг натижаси совхоз партия комитети йиғилишида муҳокама қилинди. Ишда камчиликларга йўл қўйганликлари учун ферма мудири А. Холбоевга партиявий жазо берилди, участка зоотехниги Х. Норқулов эса қаттиқ огоҳлантирилди.

„СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ"
ПАХТА ШТАБИ
ҲОСИЛ
89
ТЕЛЕФОНЛАР:
337604, 325315
325320, 325370

ҲАР БИР КУН, ҲАР БИР СОАТ ҒАНИМАТ!

• Долзарб мавзуда

ШАРТНОМА ПАХТАДАН ҲАМ ҚИММАТ

Талабалар пахта теримида: ўтган йилларнинг хатоси энди қайтарилмаслиги керак

Бу йилги жуда оғир пахта терими мавсумида талабаларнинг ёрдамисиз иш қилиб бўлмаслиги маълум. Лекин энг муҳими — ўтган йиллари йўл қўйилган хатоларни такрорламасликда. Пахта теримига ҳисобот учун эмас, балки ишлаш учун бориш керак. Борганда ҳам фақат кўнгилли бўлиб бориш керак. Яшаш учун қулай шароит яратилиши, ишлаганига қараб адолатли ҳақ тўланиши зарур.

СССР Министрлар Советининг август ойида чиқарилган фармойишида худди ана шу мақсад кўзда тутилган. Фармойишда олий ўқув юртларининг қишлоқ хўжалик ишларида қатнашишларини ташкил этиш ва уларнинг бу ишларда қанча муддат бўлишлари қатъиян белгилаб берилган.

Шу кунларда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ўзининг биргаликдаги қарори билан «Олий ўқув юртлари талабаларини, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига юбориш тартиби ва шартлари тўғрисидаги қоида»ни тасдиқлади.

Биз шу муносабат билан В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунида бўлиб, у ерда бир неча киши билан суҳбатлашдик.

Ректор Ш. АЛИМОВ:

— Биз ҳозирдаёқ Сирдарё областидаги уч совхоз: Усмон Юсупов, Ворошилов ва СССР 60 йиллиги номли совхозлар билан шартнома туздик. Бу хўжаликларнинг ҳар бирига 800 талаба юборамиз.

— Бу гал қишлоқ хўжалик ишларига кўнгилли равишда борилади. Шунча одамни қаердан оламиз, деб ташвиш чекмаяпсизми?

— Ҳозир кўп талабалар пахта теримида қатнашишни орзиқиб кутишмоқда. Бу, айниқса, етиштирилган ҳосилнинг қадрига етадиган пахтакор деҳқонларимизнинг фарзандларига тааллуқли. Биз тўртинчи курсда ўқиётган талабаларни пахтага таклиф этмасак, деб ўйлагандик. Лекин кўпчилик бу ишдан четда қолишни истамаяпти. Пахта кампаниясида қатнашмасликка чақириқлар янграб турган пайтда шундай бўляпти. Бундан ташқари хўжаликлар тузилган шартномага биноан биринчи кундан бошлабоқ териб олинган ҳар бир килограмм хом ашё учун 20 тийиндан ҳақ тўлаш мажбуриятини олганлар, талабаларимиз учун етарли турмуш шароитлари яратиб берадилар. Худди шу нарса ҳар қандай тарғиботдан ҳам кучлидир. Тўғри, Армиядан қайтиб келаётган талабаларимиз қишлоқ хўжалик ишларидан озод қилинадилар — улар бизда 600 кишидан кўпроқ.

Ўқишни тўхтатиб қўймоқчи эмасмиз. Шаҳарда қоладиган талабалар ой мобайнида янги материалларни ўрганиб ўтирмай, илгари ўтилган дарсларни мустаҳкамлайдилар, факультетларда турли ишларни бажарадилар.

— Шавкат Орифжонович, ихтиёрийлик ҳақида илгари ҳам кўп гапирилган эди. Очиғини айтадиган бўлсак, пахта теримига боришни хоҳламаган талабаларга нисбатан бирор маъмурий таъсир чоралари кўриладими?

— Йўқ, ундай бўлмайди. Бу нарса шартномада кўрсатилган рақамдан ҳам равшан бўлиши керак: биз теримга 2400 кишини юбориш мажбуриятини олганмиз, дорилфунунимизнинг кундузги бўлимида эса 10 мингга яқин талаба бор. Ҳозир барча жамоат ташкилотларимиз улар ўртасида, шунингдек, ўқитувчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Тошкент давлат дорилфунуни партия комитетининг секретари Р. НАБИУЛЛИН:

— Ўтган йили дорилфунунимиз республика олий ўқув юртлари ўртасида биринчи бўлиб ўз оталиғидаги хўжаликлар билан пахта теримида қатнашиш ҳақида шартнома тузган эди. Натижалар шундай кўриниб турибди: масалан, 1987 йилда беш ярим минг талаба пахтага борган бўлса, кейинги йилда шартномага мувофиқ атиги 3100 киши теримда қатнашган эди. Бу йил хўжаликлар янада камроқ одам юборишни илтимос қилишди.

Шартномада иккала томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Биз қанча одам бўлишини ва улар хўжаликларга ўз вақтида жўнатилишини таъминлаймиз. Ҳашарчиларнинг ишини ташкил этамиз. Хўжалик эса ишлаш ва яшаш учун етарли шароит яратиши, уларни овқатлантириши, мажбурий равишда танаффус бўлган чоғда ҳақ тўлаши ва бошқа шунга ўхшаш ишларни бажариши керак. Теримда бўлишнинг аниқ муддати ҳам кўрсатилган. Талабаларимиз 30 кун давомида пахтакорларга ёрдам беришади.

— Томонлар шартнома мажбуриятларини бузган тақдирдачи?

— Шартномани бекор қилиш мумкин. Биз бошқа хўжаликка ўтиб ишлашимиз ёки умуман шаҳарга қайтишимиз мумкин.

Комсомол комитетининг секретари Р. ҲАКИМОВ:

— Барча бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлди. Табиийки, бу йиғилишларда пахтага бориш ҳақидаги масала кўтарилди. Талабалар бугунги кунда пахтага бориш зарур эканлигини яхши тушунишади. Лекин нормал шароит яратилишини адолатли тарзда талаб қилишаяпти. Аввалги пахта мавсумларидаги воқеалар такрорланмаслигига умид қиламиз.

Геология факультетининг учинчи курс талабаси Н. РИПАКОВ:

— Пахтага боришни хоҳлайман ва боришга тайёрман. Мен ўзим Ғиждувон районидан, пахтакорлар оиласиданман. Бу йил ҳосил етиштириш жуда қийин бўлганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Шу сабабли ҳосилни нобуд қилмаслик учун ҳаракат қилиш зарур. Ота-оналарим ва ака-укаларим икки йилдан бери сурункасига оилавий пудрат асосида ишлашмоқда. Уларнинг даромадлари кўпайиб бормоқда. Пахта терими даврида талабалар ҳам ишлаб қолишса ёмон бўлмасди.

Химия факультетининг иккинчи курс талабаси К. ҲУСЕНОВ:

— Яқиндагина Армиядан келдим — пахтага бормайман. Сабоқдошларимни қувиб етишим, қолиб кетган дарсларни ўзлаштиришим керак.

Журналистика факультетининг биринчи курс талабаси И. ҲАЛИЛОВ:

— Кўпчилик курсдошларим пахтага бориш учун тайёрланишмоқда. Пахтакорларга ёрдамимиз кераклигини яхши тушунамиз. Бундан ташқари бир-биримиз билан яхшироқ танишиб олиш, бир-биримизни яхшироқ билиш учун ажойиб имконият бўлади.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИДА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИЛАР:

Тошкент Олий ўқув юртлари 32600 нафар талабани пахта теримига олиб бориш учун хўжаликлар билан шартномалар тузишган. Талабалар бир ой давомида қишлоқ хўжалигида турли ишларни бажаришлари кўзда тутилади. Яъни, сабзавот ҳосилини йиғиштириб олишда қатнашган талабалар пахта теримига боришмайди. Бунинг учун ўтган йилларнинг бизга таниш бўлган аянчли воқеалари — институтдан ҳайдашлар, стипендия ва ётоқхоналардан маҳрум этишлар каби чоралар кўрилмайди. Пахта теримига бора олмайдиган ёки боришни хоҳламаган талабаларга нисбатан ҳам ҳеч қандай чора кўрилмайди.

ДАСТЛАБКИ ЮТУҚ

Элликқалъа районидаги Оржоникидзе номли совхоз пахтакорлари, уруғлик пахта тайёрлаш планини Қорақалпоғистон Автоном республикасида биринчи бўлиб бажардилар. Планда белгиланган 1000 тонна ўрнига 1100 тоннадан кўпроқ уруғлик пахта териб олинди. Муваффақиятга Саидабдулла Бобожонов, Гулимбой Нуржонов, Пардабай Мўминов бош бўлган бригада деҳқонлари муносиб ҳисса қўшишди. Мазкур коллективларда кунига йиллик планнинг 5-6 процентн миқдорида пахта топширилмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Луқма

«БАЛЛИ, СИЗГА, ЎРТОҚ ОДИЛОВ!»

Кейинги пайтда «болаларимиз пахтага бемеҳр бўлиб ўсишяпти», деб нолийдиган бўлиб қолдик. Тўғри, пахтанинг меҳнати оғир, машаққати кўп, даромади кам. Бироқ ҳозир тармоқдаги аҳвол яхшиланиб боряпти: Маҳсулотнинг харид нархи ошяпти, хўжалик юритишнинг янги самарали усуллари жорий этилмоқда ва ҳоказо.

Энди пахтага нисбатан меҳр йўқолиб бораётганлигининг ўзимизга тааллуқли томонларига назар солайлик. Мака, студент-ёшларимиз гарчанд аввалги йиллардагидек мажбурий бўлмасада, қалб даъвати билан ўзлари пахтазорга йўл олишди. Хўжаликлар ва ўқув юртлари ўртасида шартномалар тузилди. Унга асосан ёрдамчиларга яшаш ва меҳнат қилишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб беришни хўжалик раҳбарлари ўз зиммаларига олишган.

Афсуски, шартнома талабларига кўп жойларда амал қилинмаяпти. Айрим хўжалик раҳбарлари инсон омилига эътиборсизлик қилишиб ҳамон «Болага ҳам шароитми? Бир думалаб, ётиб-туриб кетаверади-да», деган эскича фикрлашдан воз кечмаяптилар. Ишонмасангиз, Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли совхозда ҳашарчи студентлар яшаши учун мўлжалланган мана бу шароитларга бир разм солинг (Н. Муҳаммаджонов тасвирлари).

Изоҳнинг ҳожати йўқ. Хўжалик директори О. Одилов қай юз билан ёшларни бу жойга таклиф қилар экан-а!? Илк бор «пахта» дея тили чиққан, оппоқ хирмонларда юмалаб катта бўлган фарзандларимиз энди ўз ихтиёрлари билан ҳашарга боришса-ю уларни яна оғилдан хароб жойларга қамасак. Мана сизга инсофсизлик, масъулиятсизлик ва боқи-беғамликнинг яққол белгиси. Мана сизга одамларни ризқи-рўзимиз бўлган пахтадан бездиришнинг намунаси.

«Балли-е, сизга, ўртоқ Одилов!».



ШИЙПОН ШИП-ШИЙДАМ БЎЛМАСИН

Бу йилги пахта йиғим-теримига мураккаб шароитда шаҳарликларнинг кўмагидан кўз юмиб бўлмайди. Ҳозиргача Сирдарё области хўжаликларининг фақат олий ўқув даргоҳлари билан тузган шартномаларига кўра 35 минг 500 нафардан зиёд талаба пахта далаларига чиқади. Хўш, ҳашарчиларни кутиб олишга тайёргарлик қандай? Талабаларни турар жой билан таъминлаш, уларга кундалик шарт-шароит яратиб бериш учун нималар қилинди ва қилиняпти?

Сентябрь ойининг ўрталарига келиб, мавжуд дала шийпонларининг 1107 тасида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди. 1060 ошхона, мингдан зиёд омборхона талабалар хизматига тайёр. Дала шийпонларининг 700 тасидан зиёдроғида душ бор. 990 та шийпонда дастлабки медицина хизматини кўрсатиш учун зарур дори-дармон, асбоб-ускуналар мавжуд. Боёвут, Гулистон, Ховос районлари хўжаликларида ҳашарчиларга шарт-шароит яратишга айниқса яхши эътибор берилмоқда.

Зомин районидаги Йўлдош Қурбонов номли совхознинг Эргаш Ғойибов етакчилик қилаётган бригадаси дала шийпонини намунали масканлардан бири деса арзийди. Райондаги бир қатор хўжаликларда шийпонларни таъмирлаш, ён-атрофини ободонлаштириш тадбирлари ниҳоясига етай деб қолди. Афсуски, «Джизззакстепстрой» территориал бошқармасига қарашли кўпгина хўжаликлар дала шийпонлари хусусида бундай илиқ гапларни айтиб бўлмайди. 242 дала шийпонининг 108 таси ҳалигача ремот қилинмаганлиги фикримизнинг далилидир.

Арнасой районига бу йил шартнома бўйича Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти ҳамда халқ хўжалиги институтидан 3200 нафар талаба ёрдамга отланмоқда. Бироқ эрта-индин келадиган мададкорларни кутиб олиш, уларга қулай меҳнат шароити яратиш учун тайёргарлик жуда суст. Ҳалигача 177 та дала шийпонининг 99 таси таъмирланмаган.

Пахтакор районидаги Кичанов номли совхознинг 3, 4-бригадалари, А. Икромов номли совхознинг тўртта бригадасидаги, «Оқбулоқ» тажриба хўжалигининг бир неча дала шийпонлари ҳам ҳозиргача шип-шийдам. Биргина «Самарқанд» совхозининг 1, 2, 3-бригадаларидаги 10 га яқин дала шийпони ташландиқлигича турибди. Хўжаликнинг Ф. Дастуров бошлиқ звеноси дала шийпонига яқин йўлаб бўлмайди. Шийпон ҳовлисини остонагача ўт босган. Кўриниб турибдики, ўтган йилги йиғим-терим мавсумидан кейин бирор киши шийпонга назар ташламаган. Хўжаликдаги кўпгина дала шийпонларнинг атрофи ўғит ёки техника сақланадиган омборхоналарни эслатади. Бу ўринда газетхонларга совхоз касаба союз комитетининг раиси Қ. Нишоновнинг қуйидаги сўзларини етказишни ҳам мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Мухбиримиз бонг уради

— Баъзи дала шийпонларимизнинг аҳволини ўтган йилги мавсум охирида кўрсангиз эди, — деди у ачиниш билан, — пойтахтлик ҳашарчилар уйларига қайтишаётганларида ўзларидан «эсдалик» қолдиришни унутишмади. Тахта-каравотлар, кўпгина бошқа ёғоч материалларини ўринсиз ёқиб юборишди, синдириб ташлашди. Энди ўша материаллар танқислиги қадамда сезилиб турибди...

Демоқчимизки, айрим дала шийпонларининг бугунги ачинарли ҳолатида ҳашарчиларнинг ҳам «ҳисса»лари йўқ эмас. Давлат мулкини сақлаш, унинг дахлсизлигини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини эсда тутишимиз лозим.

— Бундан икки йил муқаддам область агросаноат бирлашмаси дала шийпонларини қайта қуриш, жиҳозлаш борасида ибратли ташаббус бошлаганди, — дейди область санитария-эпидемиология станциясининг санитария бўлими масъул ходими Баҳриддин Мусаев, — юздан зиёд дала шийпони ҳақиқий дам олиш масканига айлантирилди. Ошхона, дам олиш хоналари, душхоналар қурилиб жиҳозланди. Афсуски, хайрли иш ниҳоясига етмасдан қолди. Оқибатда кўпчилик дала шийпонларида оддий гигиена қоидаларига риоя қилиш мушкул.

Мутахассиснинг фикрини давом эттириб шуни таъкидлаш кераккн, пахтачилик районларидаги мавжуд 99 ҳаммомнинг 28 таси ишламаяпти. Сирдарё, Ворошилов районларида уч-тўрттадан ҳаммом фаолиятсиз. Ильич районидаги олтита ҳаммомнинг тўрттаси турли сабабларга кўра ёпиқ турганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Эрта-индин йиғим-терим оммавий суратда бошланади. Меҳнат семестрига келган ҳар бир йигит-қизнинг самарали ишлаши учун шароит яратиш билан бирга уларни соғ-саломат ўқув даргоҳлари қучоғига, ота-оналари бағрига қайтишларини таъминлаш ҳам ўз зиммаларида эканлигини мутасадди ташкилотлар раҳбарлари унутмасликлари лозим.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофотига номзодлар

«ЖУДА МУҲИМ, ГАПЛАШАДИГАН...»

Омон Матжон ижодини замондошлари шеъриятидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусият бор. Бу унинг шеърларидан тортиб, то афсоналари, достонлари ва қиссаси бағридан нур бўлиб ўтувчи она халқ, она тупроқ тақдири масаласи ва ана шу масалага муносабатда шоирнинг учта замон — тарих, бугун ва келажакни битта нуқтада маҳорат билан бирлаштириб, давр учун ниҳоятда зарур, керакли сўзни айта олишида кўринади.

Шоирнинг курашчан ғоялари турғунликнинг авж нуқтага кўтарилган даврларидаёқ дунёга келиб, асарлари бағрини тўлдирган эди. Аммо улар ошкора айтилмай, бироз пардаланди ёки афсоналар, ривоятлар бағрига яширилди. Улар Омон Матжон қалбининг ҳаётимизга ёпирилиб кираётган хавфлардан огоҳ этувчи бонги эди. Аммо бу бонг садоси қумга сепилган сувдек бўшлиққа жимгина сингиб кетди. Шоир эса эътиқоди бутун ижодкор сифатида виждони кўрсатган йўлдан қайтмади ва давр дардини ошкор айтувчи, бутун ижодида бедор кезган руҳнинг, жасоратнинг етук меваси — «Гаплашадиган вақтлар» қиссасини ёзди. Мураккаб тарихли ва тақдирли бу қисса яратилган 1981 йилда ҳали «Дунё ўзим деган юлдузлар» буржларида мустаҳкам эди. Аммо шоирни «юлдузлар камоли» қувонтирмас, балки, шулар кароматн туфайли она халқига, тупроғига етаётган заволлар ўртамоқда эди.

Қиссада кўтарилган масалаларнинг барчаси Ўзбекистонда бошланган экологик инқирозни вужудга келтирган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий бузилишларнинг илдизлари унаётган муҳитни фош этиш ва келажакни улардан ҳимоя этишга қаратилган. Айниқса, шоирнинг республикамизда юзага келган энг оғир фожиа—болалар ва аёллар оғуланган ҳаётининг манзаралари, улар меҳнатининг даҳшатли оқибатлари ҳақидаги фикр ва қарашларидаги алам, исён ҳар қандай тош юракни ҳам эритиш қудратига эга. Лекин шоир ўзбек аёлининг қисматига битилган, тақдирига айлантирилган кўргуликларнинг барчасини асарга олиб киролмаган. Чунки бунга битта асар доирасида ҳеч қандай имконият йўқ. Аммо Раъно, Унсин ҳаётининг фожиали манзаралари тасвирига қараб туриб, инқилоб берган озодликдан пешонаси ярақлаган аёлнинг қисмати шу бўлдими, деган савол ҳар бир қалбни қийнайди. Бу образлар шоир хаёлидан эмас, балки ҳаёт ҳақиқатидан дунёга келгандир. Уларнинг прототиплари қишлоқда яшаб, меҳнат қилаётган жафопеша ўзбек аёлларидир.

Раъно қисматини олиб қарайлик. У ҳаётда қандай рўшнолик кўрди? Қиссанинг бирон-бир жойида унинг бахтиёр дамлари тасвири кўринмайди. Унинг ҳаётда, оилада бор-йўқлиги билинмайди, аёл — она сифатидаги орзулари, истаклари қандайлиги сезилмайди. Ахир, орзусиз, умидсиз ва мақсадлардан бегона инсон бўлмайди-ку? Раънонинг қалби ҳам шулар билан тўлалигини инкор қилиш мумкин эмас. Аммо улар қалб қафасида. Чунки, Раъно, Анварлар яшаган (ўзимиз ҳам яшаб ўтганимиз) давр ва муҳит тарзи одамларни ички ва ташқи имкониятлардан зимдан маҳрум этиб, шу куйларга солиб қўйган эди. Ана шу муҳит панжараларини синдириб, илм, истеъдод ривожи, инсон орзулари равнақи учун курашмоқчи бўлган Анвар сиймосидаги фидойилар таклифлари, илтимослари, кашфиётлари қўллаб-қувватланиш ўрнига қаршиликларга учради.

Шеърий қиссанинг охирроғида Анварни излаб, унинг кашфиётлари билан танишиш, ҳамкорлик қилиш мақсадида келган сайёҳ Мистер Томсон ҳақида фикр юритилиб, унинг мақсади «Яъни халқларни хотира ва умидидан «поклаб» маълум бир тўда учун соме, қарам этмоқлик мангу», эди дейилади. Лекин бу гапнинг замирида бошқа бир даҳшатли ҳақиқат — ҳаётнинг аянчли манзараси ётибди. Бу кейинроқ Чингиз Айтматов томонидан дадиллик билан кўтариб чиқилган давримиз маънавий емирилишлари ва манқуртлик масаласининг Омон Матжон талқинидаги кўриниши эди. Аслини олганда, далада умри ўтиб кетаётган халқ, унинг раънолари-ю анварларининг ҳаёти манқуртларникидан афзал эмас-ку?! Пахтакор районларда яшаб, деҳқоннинг айниқса аёлнинг машаққатларга тўла ҳаётини кўрганлар, билганлар бунга асло, шубҳа қилмайди. Чунки улар пахтанинг қулига, давр қўлида меҳнатнинг жонли қуролига айланиб қолишган эди.

Асарнинг фақатгина битта ўрнида ана шу жонли қурол — Раънонинг ҳаётдан норозилик туйғулари исён кўтариб, сабр косаси тўлиб-тошган вақтдаги руҳий ҳолати тасвирини кўриш мумкин. Унинг бундай ҳолатга тушишига кундалик турмушнинг бетиним маънавий-жисмоний зарбалари сабаб бўлган. Раънонинг оғир меҳнат остида чўкиб кетган руҳи, қувончу шодликларни унутган қалби заррача бўлса-да ортиқча юкни кўтаришга қодир бўлмай қолган эди. Шу сабабли унинг руҳида исён қўзғалган:

Тинчлик... Тинчлик
бўлмасдан
баттар нима бўлар эди?
Аввал-охир шу:
эрталаб тур, ишга жўна,
қоронғида қайт,
саҳаргача уй ишин қил,
эрта тонгдан
яна ишга, ишга, ишга,
ўлгунча ишга...
шу иш-иш деб энди шу
кўйи
тамом ўлиб кетадиган
ўхшайман! Бўлди!
Ўттизимдан ошиб нима
кўрдим дунёда!

Бу фақат Раънонинг эмас, балки, меҳнату ташвишдан елкалари яғир, юраклари тақир бўлиб кетаётган қишлоқ аёли ҳаётининг ҳаққоний манзарасидир. Бу болалиги, ўсмирлиги, ёшлиги, умуман, бутун умри оғир меҳнат остида ўтган, чигит билан бирга ерга қадалиб, пахта бўлиб хирмонга борган, дала-ю уй ташвишини баравар кўтарган аёл қийналган жонининг, ғалаён тушган руҳининг, ҳаётдан безган қалбининг нидосидир.

Қиссада шоир бошқа бир фожиага — ана шу мўътабар аёл зотига мансуб, аммо маънавий қашшоқлик уммонига тушиб кетган айрим раҳбар аёллар фаолияти ва бу фаолиятнинг халққа зиён етказишдан бошқа томони йўқлигига ҳам урғу беради. Бу фожиа асарда фақат Пошшаники сифатида қолиб кетмайди, балки у давр фожиасининг бир бўлаги даражасига кўтарилади ва жамиятни турғунлик ботқоғига судраган сабабларнинг моҳияти бирма-бир очила боради. Бунда Анвар билан Пошша учрашуви бир фон вазифасини ўтайди. Учрашувда аён бўлган ҳақиқат қиссада илгари сурилган ғоянинг энг юксак нуқтасидир.

Шоир қисса бошида Анварнинг ўқувчиларни пахта ўтоғига, қатқалоқни юмшатишга олиб кетмоқчи бўлган мактаб директори ва колхоз раиси Давлатбоевга қарши чиққан пайтида унга танбеҳ берган партадоши Пошшанинг «Ўтирсанг-а, тилингни тишлаб... Ўлмайсанку шу отизда ўйнаб келамиз...» деган сўзларини келтиради. Шундан сўнг асарнинг охиригача бу икки синфдош мулоқоти учрамайди. Синфхонада айтилган ана шу икки оғиз сўз ва ҳаракат икки синфдошнинг икки олами, улар йўлларининг бошқа-бошқа эканлиги, ҳеч қачон бирон бир нуқтада бирлаша олмаслиги белгиси эди. Шунинг учун ҳам шоир Анвар билан Пошшани воқеалар ривожининг авж нуқтасида учраштиради.

Икки хил онг, дунёқараш, маънавий оламнинг бу учрашуви гўё турғунлик даври билан қайта қуришнинг учрашувидек кўринади.

Омон Матжон давр дардларини айтиш учун бу қиссасида ҳам бутун ижодига хос бўлган ўтмишга мурожаат қилиш услубига содиқ қолади. Унинг ўзи айтганидек, «қиссадаги ҳар бир лавҳа, воқеа, чизги бир-бири билан ўз зоҳирий-ботиний боғланишига эга». Дарҳақиқат, асардаги тўртта дарвиш, идрок хурмоси, Дарвиш ота ҳақидаги ривоятлар қисса воқеалари билан боғланмагандай туюлса-да, аммо улар давримизга келиб танқислашиб бораётган яхшилик, эзгулик, эътиқод, ақл-идрок улуғворлигини, уларнинг кимларнингдир фидойилиги туфайли инсон қонида аждодлардан авлодларга ўтиб, ҳаётдаги ҳар қандай ножоиз, номақбул ишларга қарши курашиб келганлигини таъкидлашга хизмат қилади. Бу эса шоирга бугун бошимизга тушган фожиалар эътиқод, имон бутунлигига путур етганлиги оқибатидир, деган мантиқли хулосани илгари суришга ёрдам берган.

Омон Матжон «Гаплашадиган вақтлар»ни ёзиб тугатганда ҳали халқ ва унинг анварлари, раънолари турғунликнинг ноҳақлик тўлиб қайнаётган қозонида қоврилмоқда эди. Уларни қутқариш учун ўнта, юзта хотираси уйғоқ, руҳи бедор кишиларнинг кучи етмас, бунинг учун бутун халқ гаплашиб олиб, биргаликда оёққа туриши шарт эди. Бу қиссанинг «Умид» қисмида ўзининг рамзий ифодасини топган. Давр анварлари кашф этган, тарих ва замонни маънавият нурлари — хотиралар орқали боғлашга отланган бугуннинг — аслаҳаларнинг чанг-ғуборларини артаётган, мурувватларини бураётган Анвар ўғли келажакнинг ҳаракатларини тасвирлар экан, шоир асбоб-ускуналар «гўёки, бошқа жуда муҳим гап айтмоқчидай, жуда муҳим, жуда янги. Гаплашадиган...» — дейди. Бу шоирнинг — халқнинг кутаётган вақти эди. Беш йил кейин насиб этган бу вақт ҚАЙТА ҚУРИШ деб аталди.

Хуллас, халқ қалбидаги дардларга ошкора малҳам излаган «Гаплашадиган вақтлар» қиссасини Омон Матжон ижодининг, адабиётимизнинг жиддий ютуғи дейиш мумкин. Чунки у бугунги қайта қуриш руҳини ўзида тўла мужассам этган, ошкоралик ва демократияни даврдан анча олдинга кетган ҳолда талаб қилган асардир. У Омон Матжоннинг ҳам шоир, ҳам фарзанд сифатидаги бурчига садоқатини, фидойилиги ва курашчанлигини ҳамиша таъкидловчи қалбининг, руҳининг, туйғу ва тафаккурининг ўчмас муҳри сифатида қимматлидир.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.
Жумагул ЖУМАБОЕВА,
филология фанлари номзоди.

«КОСМОС—2046» УЧИРИЛДИ

1989 йил 27 сентябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—2046» учирилди.

(ТАСС).

БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАР ЙИҒИНИ

Термиз шаҳрида ҳозир ички ишлар идораларида ишлаётган байналмилалчи жангчиларнинг республика йиғини бўлиб ўтди. Бу ерда тўпланган собиқ жангчилар ҳуқуқ-тартибот ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда фаолроқ иштирок этиш йўлларини белгилаб олдилар. Йиғин Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Туркистон ҳарбий округининг сиёсий бошқармаси ташаббуси билан ўтказилди. Унда қатнашиш учун Туркманистон ва Тожикистон вакиллари таклиф этилди.

Йиғин қатнашчилари В. И. Ленин ҳайкали пойига, Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган жангчилар шарафига ўрнатилган ёдгорлик олдига ва Амударёдаги дўстлик кўприги ёнидаги байналмилалчи жангчилар қабрига гулчамбарлар қўйдилар. Шаҳардаги «Дўстлик» боғида улар Афғонистонда байналмилал бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган Сурхондарё ёшлари хотирасига шон-шуҳрат хиёбонини барпо этишди.

(ЎзТАГ мухбири).

Айни вақтда мамлакатимизда КПСС XXVII съездида белгилаб берилган режаларни рўёбга чиқариш учун ҳар қачонгидан ҳам тиғиз ва конкрет ишлар амалга оширилмоқда. Ҳамма кишилар учун ҳам бирдай дахлдор бўлган ягона пенсия қонунини ишлаб чиқиш ана шундай вазифалардан биридир. У тайёрланмоқда. Яқинда ана шу йўналишда «Пенсия таъминоти ва аҳолига ижтимоий хизматни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири Э. ҲАЙДАРОВ республика Социал-таъминот министрлиги пенсия ва нафақалар бошқармасининг бошлиғи С. М. МИРЗААҲМЕДОВАга саволлар билан мурожаат қилди.

• *«Совет Ўзбекистони» юридик консультацияси*

ПЕНСИЯЛАР ОШАДИМИ?

— Сафура Муродовна, одамлар пенсия таъминотининг ҳозирги миқдоридан кўнгиллари тўлмай, унинг кейинги истиқболи билан қизиқишмоқда...

— Бундай қизиқиш ва ташвишларда жон бор, албатта. КПСС XXVII съездида «Партия, Совет давлати ижтимоий бойлик ортиб бориши билан бирга пенсионерларнинг моддий фаровонлигини ошириш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилади», дейилган. Кекса авлодга ғамхўрлик ифодаси бўлган бундай сўзларнинг амалдаги ижросини эндиликда биз яққол сезиб турибмиз. Кейинги вақтда мамлакат бўйича 9 миллион саноат ходимлари, 6 миллион халқ таълими ходимлари, 3 миллион соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақлари оширилди. Биргина ўтган йили республикамизда пенсионерларга тўланадиган пенсияларнинг умумий миқдори ундан аввалги йилга қараганда қарийб бир ярим баравар кўпайди. Аммо пенсиянинг юқори миқдорлари эса ошгани йўқ. Шунинг учун ҳам бу йил пенсия ҳақидаги янги, такомиллашган қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига тақдим этилади.

— Пенсионерларнинг сони ҳам ошган бўлса керак-да?

— Пенсионерлар кўпаймоқда. Ҳозир ҳар йили 115 120 минг кишига давлат пенсияси, 35-40 минг кишига колхоз пенсияси, шунингдек 500 мингдан ортиқ онага бир йўла ва узоқ муддатли давлат нафақалари белгиланмоқда. Умуман, республикамизда 3 миллион 199 минг 367 киши давлат пенсияси нафақаларидан баҳраманд бўлмоқда. Аммо шулардан 1 миллион 300 минг киши энг кам пенсия олишмоқда. Шу каби масалаларни инобатга олиб, СССР халқ депутатлари съездида қўйилган талабларга асосан жорий йилнинг 1 августида «Пенсия таъминоти ва аҳолига ижтимоий хизматни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари» тўғрисида Қонун қабул қилинди.

— Партия ва ҳукуматимизнинг қабул қилган пенсия тўғрисидаги ана шу янги Қонунини кенгроқ шарҳлаб берсангиз.

— Аввало шуни айтиш керакки, мамлакатимизнинг молиявий аҳволи танг бўлишига қарамасдан, «Пенсия таъминоти ва аҳолига ижтимоий хизматни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида» СССР Қонуни қабул қилиниши партия ва ҳукуматнинг меҳнаткашларга кўрсатаётган ғамхўрлигининг яққол далилидир. Хўш, у биринчи навбатда кимларга дахлдор?

Қонунда ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларга кексалик бўйича бериладиган пенсияларнинг энг кам миқдорини 70 сўмгача белгилаш, шунингдек, колхозчилар ва ишчиларни пенсия билан таъминлашдаги тафовутларга бундан буён барҳам бериш назарда тутилган. Умуман, пенсияларнинг оширилиши фақат республикамизда 1 миллион 300 минг кишига дахлдор бўлади.

Маълумки, илгари ишчи ва хизматчиларга тўланадиган пенсияларнинг минимал миқдори роппа-роса 50-55 сўм, колхозчиларники 40-50 сўмни ташкил этарди. Биринчи октябрдан бошлаб уларнинг пенсияси оширилиб, ойига 70 сўмдан пенсия тўлана бошлайди. Бундан ташқари, биринчи группа инвалидларининг пенсияси минимал миқдори 85 сўм бўлади. Иккинчи группа инвалидлари 70 сўмдан пенсия ола бошлайди. Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига бериладиган пенсияларнинг энг кам миқдори 45 сўмдан 60 сўмгача оширилади. Улуғ Ватан уруши инвалидлари қарилик пенсияларига 15 сўмдан қўшиб бериш тўла жорий этилади. Ишчилар ва мастерлар жумласидан бўлган пенсионерларнинг ойлиги ва пенсияси жамланганда ойига 300 сўмдан ошиб кетмаслиги кўзда тутилган эски қонун келаси йил 1 январдан ўз кучини йўқотади. Шунингдек, қонунга биноан биринчи, иккинчи ва учинчи группа инвалидларига иш ҳақларидан ва қаерда ишлашларидан қатъи назар пенсиялар тўлиқ тўланади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, шу йил октябрь ойидан бошлаб колхоз аъзолари учун ҳам, давлат ташкилотларида ишлайдиганлар учун ҳам ягона қонун жорий этилади. Демак, колхозда ишлаган даврлар ҳам давлат пенсияси билан таъминлашда меҳнат стажига қўшилади. Колхозчилар пенсияларига ҳам қўшимчалар, яъни узлуксиз иш стажлари учун ва умумий меҳнат стажлари учун, шунингдек ишга яроқсиз оила аъзолари учун ҳам қўшимчалар қўшиш мўлжалланмоқда.

Шуни маълум қилмоқчиманки, ана шу янги Қонун муносабати билан бизда республика социал-таъминот министрлиги қошида консультация бюроси ташкил этилди. Одамлар 55-67-73 ва 55-67-75 телефонлари орқали қўнғироқ қилиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олишлари мумкин.

— Шахсий пенсия ва унинг келажаги қандай? Баъзилар барча турдаги шахсий пенсияларни йўқотиш тарафдори бўлиб чиқишди...

— Шахсан мен бундай гапларга қўшилмаган бўлардим. Шу муносабат билан ўртоқ М. С. Горбачевнинг шу йил 29 мартда оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан учрашувда айтган бир гапи эсимга тушди. У бундай деган эди: «Биздаги тақчиллик шароитида яна текисчилик тенденциялари пайдо бўла бошлади. Ҳолбуки, биз жамиятга жуда катта зарар етказган текисчиликка эндигина ҳужум бошламоқдамиз... Текисчилик ҳалокатли, у бутун иқтисодий ислоҳотга, бутун жамиятга, унинг маънавиятига зарба бўлиб тушади».

— Оналик ва болаликни, умуман аёлларни муҳофаза қилиш ҳақидаги социал гарантиялар бизга маълум. Бироқ булар етарли эмасга ўхшайди.

— Тўғри, ижтимоий ҳаётда ҳам номукаммалликлар бор. биз аёлларни ҳали ҳам лозим даражада эъзозламаяпмиз. Турмушдаги машаққатлар, иш шароитларининг оғирлиги инсон руҳига ёмон таъсир этади.

Партия ва ҳукуматимиз аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қисқартирилган иш ҳафталарини жорий этиш, уларни кечки навбатли-сменали ишлардан озод қилиш, туғишгача ва ундан кейинги таътил кунларини узайтириш каби зарур ҳаётий чораларни кўрмоқда. Мана кечагина қабул қилинган қарорда болаларга қараб туриш учун бериладиган отпуска муддати шу йилнинг 1 декабридан бошлаб уч йилга узайтирилади.

Ҳадемай, пенсионерлар тўғрисидаги ҳаммага дахлдор янги қонун лойиҳаси эълон қилинади. Биз бунга тайёр бўлиб турибмиз, ҳозирги ишларимизни ана шу қонун асосида қайта қуришимиз лозим бўлади.

*

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» газетасини

1990 йил 1 январдан бошлаб мунтазам равишда ўқиймаан десангиз, шу йил 1 ноябргача унга обуна бўлишни унутманг!

Газетамизнинг бир йиллик обуна ҳақи — 7 сўм 80 тийин.

Обуна чекланмаган миқдорда ўтказилмоқда.

*

СПОРТ

Европа кубоклари:

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Совет футбол командалари қитъа кубоги учун дастлабки учрашувларни муваффақиятли ўтказдилар. Чунончи чемпионлар кубоги учун курашаётган «Днепр» футболчилари биринчи ўйинни сафарда Шимолий Ирландиянинг «Линфильд» клуби билан ўтказиб (2:1) ғалаба қозонган эдилар. Ўз майдонларида бўлиб ўтган такрорий ўйинда эса днепрчилар дарвозани бир бор нишонга олиш билан яна зафар қучдилар. Кубок эгалари кубоги учун курашаётган пойтахт торпедочилари биринчи гал ўз майдонларида Ирландиянинг «Корк Сити» командасини мағлубиятга (5:0) учратишгани маълум. Сафар учрашуви ҳам торпедочилар фойдасига (1:0) ҳал бўлди. УЕФА кубоги учун курашда мамлакатимизнинг тўрт командаси қатнашмоқда. «Зенит» футболчилари дастлабки ўйинда Даниянинг «Нествед» клубини енгишган (3:1) эди. Сафар учрашувида ҳисоб очилмади. «Жалгирис» командаси Италиянинг «Гетеборг» футболчилари (2:0, 0:1) билан куч синашди. Пойтахт спартакчилари Италиянинг «Аталанта» клуби (0:0, 0:2) билан баҳслашдилар. Киев динамочилари эса Венгриянинг МТК футболчиларини (4:0, 2:1) доғда қолдиришди. Шундай қилиб, ҳозирча 6 командамиз курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиб турибди.

Енгил атлетика:

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

Озарбайжон пойтахтида мамлакат кубоги учун ўтказилган мусобақада республикамиз вакиллари муваффақиятли куч синашишга ҳаракат қилишди. Улар орасида найза улоқтириш устаси тошкентлик Виктор Зайцевга ҳеч ким бас келолмади. Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган бу спортчи яқинда Японияда ўтказилган «енгил атлетика юлдузлари» халқаро мусобақасида 82 метр 76 сантиметрли натижа билан иккинчи ўринни эгаллаган эди. Бу сафар эса 81 метр 58 сантиметрли маррани эгаллаб, ғолиблик супасига кўтарилди.

Иккинчи лига:

ЎРИНЛАРДА ЎЗГАРИШ

Ўзбекистон зонасига кирувчи командалар мамлакат чемпионатини муваффақиятли якунлашга зўр бермоқдалар. Маълумки келаси йилдан мазкур лига аъзолари ўртасида сон жиҳатдан таркибий ўзгаришлар амалга оширилади. Ўзбекистон командалари ҳам бирмунча қисқартирилади. Шу боис коллективлар лигада мавқеларини сақлашга уринмоқдалар. Фарғонанинг «Нефтяник» командаси 49 очко билан ягона пешқадам бўлиб турибди. Фарғоналиклар навбатдаги икки учрашувни сафарда ўтказиб, икки бор ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлдилар. Андижонлик спартакчилар ҳам ўз майдонларида 4 та очко тўплаб, жами 41 очко билан учинчи ўринга кўтарилдилар. «Навбаҳор», «Косонсойчи», «Вахш» ва «Динамо» коллективларида 38 тадан очко бор.

Биринчи лига:

ЎЙИНДАН ЎЙИНГА

Кеча мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлар бўлиб ўтди. Пойтахт армиячилари пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишди. «Қайрат» ва «Гурия» коллективларида 47 тадан очко бор. «Факел» 40 очко билан тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. 39 очко тўплаган пахтакорчилар кучли олтиликдан жой олишга астойдил уринаётган Бокунинг «Нефтчи» коллективини қабул қилишди. Ўйинда ҳисоб очилмади.

ТОШКЕНТ: МАРСНИ КЎЗЛАБ

Бугун Тошкентда Астронавтика халқаро академиясининг ташаббуси билан «Инсон коинотда» саккизинчи халқаро илмий симпозиуми иш бошлайди.

Анжуман Ташкилий комитети раҳбарларидан бири, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг вице-президенти Зокиржон САЛИМОВдан ана шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилдик:

— Осмонга саёҳат ҳақида айтиб ўтилган энг қадимий ва айни вақтда энг қизиқарли ривоятларни мих хатлар битилган тахтачалардан топиш мумкин. Бу ассиро-вавилон мифидир. Унда эрамиздан йигирма аср олдин яшаб ўтган ҳамда осмонга парвоз қилган Этон шоҳи ҳақида ҳикоя қилинади. Шуниси қизиқки, парвоз чоғида Ер шоҳга жуда кичик бўлиб, «корзина ичидаги бир бўлак нонга» ўхшаб кўринган, сўнгра эса тамоман кўринмай кетган...

Наҳотки, бу қадимги одамларнинг чексиз фантазияси, хаёлий фикрлари ёки гениал башорати бўлса, эҳтимол аслида ҳам юз берган қандайдир бир воқеа ҳақидаги эсдаликлардир? Бирмунча кейинроқ Дедал ва Икар ҳақида ривоят, Искандар Зулқарнайннинг ўргатилган қушларда осмонга парвози ҳақидаги афсона пайдо бўлди... Анча кейинроқ, XVI асрда Ой, Марс ва Қуёш системасидаги бошқа сайёраларга парвозларнинг ўзига хос дастлабки лойиҳалари, сўнгра эса коинот бўшлиғидаги ҳаракат қонунларига тааллуқли назарий ҳисоб-китоблар юзага келди. К. Э. Циалковский ўзининг улкан тадқиқоти билан назарий космонавтика ва космик биомедицинага асос солди. У амалий космонавтика пайдо бўлмасидан анча илгари янги фаннинг илк саҳифаларини очди.

Юрий Гагариннинг инсониятга Коинотни кашф этиб берган афсонавий парвозидан буён 28 йил вақт ўтди. Ўшандан бери жаҳоннинг 20 мамлакатидан 200 дан зиёд космонавт ва астронавтлар Коинотнинг бепоён бўшлиқларига парвоз қилдилар. Ҳозирги вақтда эса амалда Ер атрофи орбиталарида одамлар мунтазам равишда ишлаб туришибди, фазога уюштирилаётган экспедицияларнинг давомийлиги бир йилгача етди. Статистикачилар характерли бир хусусиятни ҳисоблаб чиқишибди: агар ерликлар томонидан коинотда ўтказилган барча вақтни бир кишининг парвози сифатида тасаввур этилса, унда бу киши 20 йилдан зиёд вақтдан бери фазода учишни давом эттираётган экан.

Хуллас, космик парвоз омилларининг, биринчи навбатда, вазнсизлик ҳолатининг инсон организмига таъсири ҳамда инсоннинг Коинот сирлари билан ўзаро мураккаб муносабатлари ҳақида катта материаллар йиғилиб қолди ва у ўрганиб чиқилмоқда. Бунда медицина ва биологиянинг янги — космик тармоғининг роли каттадир. Айнан ана шу соҳа бўйича мутахассислар, шунингдек Ердан ташқарига уюштирилган экспедицияларнинг бевосита қатнашчилари Тошкентда тўпланадилар. Улар бу ерда ўзаро маълумотлар алмашадилар, парвозлар чоғида бажарилган тадқиқотлар, ер усти ва орбитада бажарилган экспериментлар натижаларини муҳокама қиладилар, келгусидаги иш режаларини белгилаб оладилар.

Шуниси ажойибки, штаб-квартираси Парижда жойлашган Астронавтика академиясининг ўзи Халқаро астронавтика федерацияси қошида 1960 йилдаёқ ташкил этилганди. «Инсон коинотда» мавзуидаги биринчи симпозиум эса икки йил ўтгач Франция пойтахтида бўлиб ўтганди. Ўшандан буён бундай йирик анжуманлар космонавтикаси ривожланган мамлакатларнинг бирида ҳар уч-тўрт йилда бир марта ўтказилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, энди ана шундай симпозиум Совет Иттифоқида биринчи марта айнан Ўзбекистонда, Шарқнинг буюк мунажжими Улуғбек яшаган ва ишлаган ўлкада ўтказилади.

Тошкентда катта илмий анжуманни ташкил этишда СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиялари, Соғлиқни сақлаш министрлиги, «Интеркосмос» кенгаши, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги медицина-биология муаммолари институти ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг физиология институти фаол қатнашдилар. Бу ерга дунёнинг 20 мамлакатидан, жумладан, социалистик давлатлардан, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Франция, ГФР, Италия, Швеция, Ҳиндистон, Япония ва бошқа мамлакатлардан қарийб 200 мутахассис ташриф буюради. Бизнинг мамлакатимиздан анжуманда Москва, Ленинград, Киев, Тошкент, Олмаота, Красноярск, Днепропетровск шаҳарларидан олимлар ва космонавтлар иштирок этишади. Фахрли меҳмонлар ва делегатлар орасида атоқли мутахассислар НАСА (АҚШ) вакили доктор Арнольд Никогосян, ГФР авиация медицинаси институтидан профессор Карл Кляйн, академик О. Газенко ва СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси А. Григорьев, совет космонавтлари Г. Гречко, В. Жонибеков, В. Кубасов, В. Поляков, АҚШлик астронавтлар Ж. Нельсон ва нидерландиялик астронавт В. Оккелс (кейинги икки киши — «Шаттл» кемасидаги парвоз қатнашчиларидир), франциялик Жан-Лу Кретьен бор.

«Инсон коинотда» симпозиуми программаси ҳамма учун қизиқарлидир. Анжуманда космик биология ва медицинасининг турли жиҳатлари тўғрисида тирик организмларнинг вазнсизлик шароитларига кўникиши билан боғлиқ жуда нозик масалалар, иммунология, микробиология ва генетика муаммолари тўғрисида докладлар ўқилади. Космик кема ва орбитал станциялар ичида ва ташқарисида ҳаётни таъминлаш, космик скафандрларнинг конструкцияларини такомиллаштиришга доир масалалар бўйича докладлар ва ахборотлар ҳам катта қизиқиш уйғотиши кутилмоқда. Экология масалалари алоҳида аҳамият билан муҳокама қилинади. Дарвоқе, симпозиум доирасида «Сайёралараро парвозлар» ҳамда «Астронавтика ва экология» мавзуларида «Давра суҳбатлари» бўлиб ўтади.

НОН—ДАСТУРХОН КЎРКИ

Республикамиз пойтахтининг Қорасув массивида «Иссиқ нонлар» номи билан янги магазин очилди. Эндиликда иккинчи нон заводи цехида ёпилаётган бўрсилдоқ нонлар тўппа-тўғри магазин пештахталарига чиқарилади. Савдо шоҳобчаси корхона ёнида жойлашган.

Нон заводининг цехида унча катта бўлмаган тўртта тандир ўрнатилган. Бир сутка мобайнида корхонада 5 тоннага яқин турли маҳсулот тайёрланяпти.

«Ташкентхлебпром» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Спецреммонтаж» ишчи хизматчилари цех-магазинни барпо этишди.

Суратларда: 1. Технолог Гулнора Биланова: «Нон — дастурхон кўрки. Корхонамизда тайёрланаётган нон маҳсулотларини татиб кўринг» демоқда. 2. Магазиннинг ташқи кўриниши.

А. ГОРОКРИК суратлари (ЎзТАГ).

Муҳаррир
Ў. УСМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

СССР Агросаноат давлат комитети
АНДИЖОН ПАХТАЧИЛИК ИНСТИТУТИ
1990- 1991 ўқув йили учун

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АГРОНОМИЯ — олим-агроном тайёрлайди (ўқиш муддати — 5 йилу 7 ой).

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ — инженерлар-гидротехниклар тайёрлайди (ўқиш муддати 6 йил);

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ — қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди (ўқиш муддати — 6 йил);

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

АГРОНОМИЯ ИХТИСОСИГА — биология (оғзаки), ва химия (оғзаки) — касбга оид фанлар ҳисобланади: она тили ва адабиёт (иншо) — касбга оид фан ҳисобланмайди ва «қониқарли» ёки «қониқарсиз» баҳоланади.

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИХТИСОСЛАРИГА — математика (оғзаки) ва физика (оғзаки) — касбга оид фанлар ҳисобланади; она тили ва адабиёт (иншо) — касбга оид фан ҳисобланмайди ва «қониқарли» ёки «қониқарсиз» баҳоланади.

ЎРТА МАКТАБНИ ОЛТИН (КУМУШ) МЕДАЛЬ БИЛАН, ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЁКИ ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТИНИ ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ БИЛАН БИТИРГАНЛАР МУТАХАССИСЛИГИГА ҚЎРА ҚУЙИДАГИ ФАНЛАР БЎЙИЧА ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

Агрономия ихтисосига кирувчилар — биология (оғзаки), **гидромелиорация ихтисосига кирувчилар** — физика (оғзаки) ва **қишлоқ хўжалигини механизациялаш ихтисосига кирувчилар** — математика (оғзаки).

Имтиҳонни «беш» баҳога топширганлар кейинги кириш имтиҳонларидан озод қилинади. Агар «тўрт ёки «уч» баҳога топширса, қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширадилар.

АРИЗА ИНСТИТУТ РЕКТОРИ НОМИГА ЁЗИЛАДИ

Ариза билан қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), охирги иш ёки ўқиш жойидан характеристика, (меҳнат дафтарчасидан кўчирма ишлаётганлар учун), 6 дона фотосурат (бош кийимсиз, 3х4 см. ҳажмда), медицина справкаси (086/У форма), паспорт, ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий хизматчилар учун) ёки ҳарбий рўйхатга олинганлик гувоҳномаси (чақириқ ёшдаги шахслар учун) шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1989 йил 10 НОЯБРДАН 1990 ЙИЛ 15 ЯНВАРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ЭСА 1 ФЕВРАЛДАН 20 ФЕВРАЛГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ

Институт адреси: Андижон области, Андижон райони, Куйганёр қишлоғи.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ

1990 йил учун
БАРЧА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
31 октябрга қадар
УЗАЙТИРИЛГАН

Обуна алоқа бўлимлари, «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликлари ва обуна қабул қилиш пунктларида, шунингдек жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» РЕСПУБЛИКА АГЕНТЛИГИ.

●

«ВОСТОК»
КОММЕРЦИЯ-КООПЕРАТИВ
БАНКИ

давлат ва кооператив ташкилотларига банк хизмати кўрсатади;

имтиёзли шартлар билан қисқа муддатли кредитлар беради;

ташкилотлар ва аҳолининг ортиқча маблағларини йилига камида 5-7 процент фойда тўланадиган тарзда қабул қилади.

«ВОСТОК» БАНКИ — СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ШЕРИГИНГИЗДИР!

Адрес: Тошкент шаҳри, Фигельский кўчаси, 86-уй.

●

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«Совет Ўзбекистони» газетасида 22 сентябрда эълон қилган конкурс муддати

29 СЕНТЯБРДА
ТУГАШИНИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

●

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАШГОРСТРОЙ»
территориал-қурилиш бирлашмасининг

«ПРОМСТРОЙИНДУСТРИЯ» БИРЛАШМАСИ

чекланмаган миқдорда буюртмачининг материали ҳисобига

металл конструкциялар ва алюминий конструкциялар етказиб бериш юзасидан

1990 йилга

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Адрес: 700100, Тошкент шаҳри, ИТР кўчаси, 7-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/IX да **Уйқудаги малика** (19.00), 30/IX да **Петр I**, 1/X да **Иоланта** (19.00), **Чипполино** (12.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/IX да **Терговдавом этади** (19.30), 30/IX да **Мирзо Улугбек** (премьера).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/IX да **Концерт** (19.30), 1/X да **Тошболта ошиқ**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/IX да **Алвидо, ҳаёт** (19.30), 30/IX да **Отасининг қизи** (19.30), 1/X да **Келинлар қўзғолони** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Мушук уйи» ва «Доктор Айболит ғаройиб томошалари»** (19.30).

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленияси коллективи бўлим мудири Р. И. Собиржоновага отаси

Роза Исломовна
СОБИРЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, партия, касаба союз ташкилотлари ва тайёрлов бўлими коллективи рус тили кафедрасининг ассистенти Г. Қ. Файзиевага отаси

Қаноат
ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1 клиник касалхонаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари болалар бўлими бўйича бош врач ўринбосари М. З. Усмоновага отаси

Зокир Усмонович
УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг бадиий коллективлари собиқ кекса хонанда

Шоолим
ШОЖАЛИЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти коллективи нашриёт ходими З. Абдурасуловага отаси

Толибжон
НУРМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии
Узбекистана, Верховного
Совета и Совета Министров
Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 05147. № 226 ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12